Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ


• № 234 (20. 801) • 1990 йил 13 октябрь, шанба • Баҳоси 3 тийин.

● Маррадан ўзганлардан ибрат олиб, хирмонга-хирмон қўшаётганларга —қалб ташаккуримиз!

● Жумҳуриятимиз элюрт олдида берган ваъдасини бажаришига жуда оз вақт қолди. Яна бир ғайрат кўрсатсак, маррага етамиз.

● Об-ҳаво инжиқлигини енгиб, даладаги барча ҳосилнинг бир граммини ҳам қўймай, йиғиштириб олайлик.

• ПАХТАНОМА •



МАРРА ЯҚИН, ИШТИЁҚНИ СУСАЙТИРМАЙЛИК

Яқин кунларда ҳавонинг айниши кутилмоқда. Қуёшли кунларнинг ҳар лаҳзасидан унумли фойдаланайлик. Барча кучларни, деҳқончилик билан боғлиқ ҳамма соҳа кишиларини сўнгги миллионимизни, мева ва сабзавотларни, полиз экинларини йиғиштириб олишга жалб этайлик. Ҳозир юрагида ўти бор, имконияти бор ҳар бир кишининг деҳқонларимизга камарбаста бўлиши, мадад бериши вақтидир.

ҒАЛАБАНГИЗ МУБОРАК, ХОРАЗМЛИК ПАХТАКОРЛАР!

Хоразм вилояти пахтакорлари пахта тайёрлаш йиллик режасини муддатидан илгари адо этдилар. Қабул пунктларига 320 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» етказиб берилди. Бунинг 90 фоиздан зиёдроғи биринчи навларга топширилди. Ҳосилдорлик ўртача 29 центнерни ташкил этди.

Ана шу ҳосилнинг учдан бир қисмидан зиёдроғи «зангори кема»ларда йиғиштирилди. Ҳар бир машина билан ўртача 80 тоннадан пахта терилди.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг илғор усуллари, онла пудрати жорий этилганлиги, оммавий-сиёсий ва ташкилотчилик ишлари кенг тус олдирилганлиги ютуқлар омили бўлди. Айниқса, Гурлан, Шовот, Урганч, Хонқа, Янгибозор, Янгиариқ ва Хазорасп районлари юқори кўрсаткичларга эришдилар.

Кўпгина хўжаликлар пахтакорлари катта ғайрат-шижоат кўрсатиб, бошқаларга намуна бўлдилар. Шовот районидаги «Правда», Гурлан районидаги «Правда», Хонқа районидаги «Победа», Янгиариқ районидаги Аваз Ўтар номли, Янгибозор районидаги «Ленинград» ва Карл Маркс номли жамоа хўжаликлари вилоятда биринчилар қаторида маррага етиб келдилар. Онла пудратининг ҳақиқий намунасини кўрсатган Хонқа районидаги «Победа» жамоа хўжалигидан Ҳ. Норбоева, Хазорасп районидаги Фрунзе номли жамоа хўжалигидан З. Раззоқовалар ўз пахта майдонларида энг юқори ҳосилдорликка эришдилар.

Механик-ҳайдовчиларнинг ҳиммати, айниқса баланд бўлди. Хонқа районидаги ал-Хоразмий номли жамоа хўжалигидан Эркин Каримов, Боғот районидаги «Боғот» давлат хўжалигидан Қўпал Тангрибергенов сингари механик-ҳайдовчиларнинг ҳар бири хирмонга 240 тоннадан «оқ олтин» тўкдилар.

Вилоятда йиғим-терим қизғин давом этмоқда. Барча ҳосилни тезу соз йиғиштириб олиш, айни пайтда чорва қишловига пухта ҳозирлик кўриш, ерларни келгуси йилга тайёрлаш ишлари ҳам диққат-эътиборда.



● Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Ҳва номли кооперативдехқончилари кооператив усулда маҳсулот етиштиришмоқда. Улар 2200 тонна пахта топшириб, йиллик планни бажариб қўйишганга анча бўлди.

Суратда: илғор механик-ҳайдовчилардан Собир Тошбоев ва Одил Темиров. Уларнинг ҳар бири 160 тоннадан пахта теришди.

А. МАЛЬЦЕВ олган сурат.



● Фарғона вилояти. «Ленинград» жамоа хўжалиги деҳқонлари Бағдод районида коллективлари ўртасида пешқадамлик қилишмоқда. Хўжалик пахтакорлари ҳар гектар майдондан 35 центнердан ҳосил йиғиштириб олишга ҳаракат қилишяпти.

Суратда: колхоз раиси, СССР халқ депутати Маматғози Шерғозиев теримчилар орасида.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ЙИГИРМА ИШ КУНИДА

Мирзачўлнинг энг кўп шўрланган ерларида деҳқончилик қилаётган пахтакорларимиз Сирдарё вилоятида биринчи бўлиб зафар маррасини эгалладилар. Давлатга пландаги 23 минг 720 ўрнига 23 минг 812 тонна «оқ олтин» сотилди. Бу марра деярли 20 иш кунида эгалланди.

Давлатга сотилган хом ашёнинг барчаси биринчи ва иккинчи навларга қабул қилинди. Хирмоннинг 90 фоизи техника ёрдамида уюлди.

Районимиз хирмонига «Янгиер» совхози деҳқонлари баракали ҳисса қўшдилар. «Страна Советов», Ҳамза номли ҳамда «Пахтакор» совхозларининг улуши ҳам катта бўлди.

Мавсум давомида далаларда 300 дан ортиқ терим агрегатлари унумли ишлаб турди. Ҳар бир машина билан ўрта ҳисобда 80 тоннадан ошириб пахта теришга эришилди. Бу районимиз тарихидаги энг юқори кўрсаткичдир. «Янгиер» совхозидан Раҳматилло Ғаниев, «Страна Советов» совхозидан Абдурашид Тожиматов, Ҳамза номли совхоздан Бозорбой Салимов сингари механизаторлар ҳозирга қадар 120–150 тоннага етказиб пахта тердилар.

Районимизда ялпи хирмонни 27 минг тоннадан ошириш — эзгу ниятимиздир.

С. НОРЧАЕВ,
халқ депутатлари Меҳнатобод район Совети ижроия комитетининг раиси.

ЖАҲОН БОЗОРИГА...

Вилоятда биринчи бўлиб маррани эгалладик. Она-Ватанга 28 минг тона «оқ олтин» топширилди. Ялпи ҳосилнинг 50 фоизи терим агрегатлари ёрдамида йиғиштирилди. Механизаторларга кўрсатилган ғамхўрликдан, эътибордан барча мамнун бўлди.

Теримда «Таллимарон» давлат хўжалиги, Куйбишев номли, «Коммунизм», «Қизил Юлдуз» жамоа хўжаликлари механизаторлари алоҳида ўрнак кўрсатдилар. Бу хўжаликларда ўтган йилгига нисбатан икки баробар кўп пахта «зангори кема»ларда саранжомланди. Ноҳия механизаторлари ўртасидаги мусобақада Куйбишев номли жамоа хўжалигининг пўлат от суворийлари Наримон Қулсоатов ва Жўра Бекноновларга тенг келадигани топилмади. Бу икки механик-ҳайдовчининг ҳар бири шу кунгача 280-300 тоннадан «оқ олтин» теришга эришди.

Биз ўтган йили етиштирган пахтамизни жаҳон бозорига олиб чиққандик. Биргина Америкага сотган толамиз учун 200 минг доллар олдик. Бозор иқтисодиётига ўтиляпти арафасида бу маблағ ҳеч гап эмас.

Биз даладаги ҳосилни чамалаб, давлатга 6 минг тонна пахта етказиб беришга қарор қилдик. Умумий хирмонни 34 минг тоннага етказиб, беш йиллик режани бажарамиз.

А. ЛАПАСОВ,
Ангор район партия комитетининг биринчи котиби, район Советининг раиси.

● *Байналмилал дўстлик, қардошлик риштаси*

ЖАНГЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Яқинда Ўзбекистон ССР Олий Совети ёшлар ҳуқуқларини муҳофаза этиш тўғрисидаги қонунга амал қилинишини назорат этиш комитетининг раиси В. Ғ. Исломбоев ва жумҳурият Олий Совети халқаро ишлар комитетининг котиби О. П. Фединадан иборат Ўзбекистон делегацияси Одесса ҳарбий округи қисмларида бўлди.

ЎзТАГ мухбири Т. Ботирбеков делегация аъзолари билан суҳбатлашди.

— Сафаримизнинг энг муҳим вазифаси ҳозирги пайтда армияда содир бўлаётган айрим салбий ҳолатлар такрорланишининг олдини олишдан иборат эди, — деди Ольга Павловна. — Беш кун мобайнида дастлаб Симферополь, кейин эса Севастополдаги ҳарбий қисмда бўлдик. Бизнинг ўзбекистонлик аскарлар ва сержантлар, шунингдек уларнинг командирлари билан учрашувимиз фойдали бўлди деб ўйлайман.

— Шуни таъкидлаш керакки, — деб суҳбатни давом эттирди Воҳид Ғофурович, — йигитларимизнинг турмуш шароити чакки эмас. Казармалар замонавий мебель билан жиҳозланган. Магнитофонлар, видеомагнитофонлар бор. Биз ўзбек эстрадаси ҳақида икки соатли концерт программасини олиб бордик. Ёшлар уни томоша қилаётган вақтда жангчилар учун тайёрланаётган овқатларнинг хиллари, сифати билан қизиқдик. Сафаримиз давомида аскарлар ошхонасида улар билан бирга овқатландик.

Мамлакатимизнинг турли минтақаларидан келиб армияда хизмат қилаётган йигитлар орасида баъзан чиқаётган низолар кўнгилсиз ҳодисалар юз беришига сабаб бўлаётганлиги бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас. Бу ерда ҳам шундай бўлибди. Бу эса қисмда фавқулодда ҳодиса сифатида жиддий муҳокама қилиниб, айбдорлар жавобгарликка тортилибди.

— Сафар давомида ўзбекистонлик йигитларнинг ҳарбий машқларни бажаришларини кузатишга тўғри келдими?

— Қисмлардан бирида ўзбек миллатига мансуб эллик тўрт ҳарбий хизматчи ўз бурчини ўтаяпти. Улар нарядларда хизмат вазифаларини намунали бажаришмоқда. Оддий солдат Шарипов ва Эргашев айниқса намуна кўрсатмоқда, улар ўз жанговар тайёргарликларини тинмай оширмоқдалар.

О. Фединага савол:

— Учрашувлар чоғида сизларга жангчи йигитлар томонидан илтимослар бўлдими?

— Ҳа, ҳамюртларимиз ўзбек тилидаги китобларни, даврий нашрларни, кинофильмларни юборишни илтимос қилдилар. Улар маданият намояндалари, ёш санъаткорлар келиб концертлар беришини ҳам сўрадилар. Оддий аскарлар Абдурасул Сулаймонов, Баҳодир Юнусов, Рустам Маҳмудов, сержант Сайфиддин Раҳмонов ва бошқалар бизга ўз адресларини беришди. Бизлар ана шу йигитларнинг уйларига борамиз. Уларга жангчиларнинг саломини етказиб, армияда қандай яшаб хизмат қилаётганликлари ҳақида сўзлаб берамиз.

Ўз навбатида биз уларга Ўзбекистон ССР Олий Советининг адресини қолдирдик. Бизлардан нимаики ёрдам зарур бўлса, шу адресга мурожаат қилишларини айтдик.

МАЪНАВИЙ КУЧ БАХШ ЭТАДИ

«Совет Ўзбекистони» рўзномасининг доимий ўқувчиси, муштарийларидан бири сифатида Сизларга ўзимнинг яхши истакларимни билдираман. Рўзномани кўздан кечирар эканман, «Дардимиз ҳам, тилимиз ҳам бир» деган сарлавҳали мақола эътиборимни тортди. Ўқиб чиқиб, жуда мамнун бўлдим. Рўзномангизнинг қўшни Қирғизистондаги ўзбекларга нисбатан ғамхўрлиги мана шу мақолада яна бир бор ўз аксини топганлиги ғоят қувончли ҳолдир.

Ноҳиямиз меҳнаткашлари Ўзбекистон нашрлари қаторш «Совет Ўзбекистони» рўзномасини ҳам севиб ўқийдилар. Ўз биродарларининг ҳаёти, турмуш тарзи билан қизиқадилар. Илғор тажрибаларини ўрганиб, пахтачилик ва қишлоқ хўжалигида шу тажрибаларни баҳам кўрмоқдалар. Байналмилал тарбияга оид берилаётган мақолалар ҳам доим эътиборимизда.

Қирғизистонлик ўзбеклар ҳаётига доир материаллар рўзномангиз саҳифаларидан доим ўрин олиб турса деймиз. Бу бизга фақат маънавий куч ва ғайрат бахш этади.

Мухбирларингиз районимизда қанчалик тез-тез бўлиб туришса, шунчалик бизнинг бошимиз осмонга етади.

Дўстлик ва қардошлик саломи билан

М. СУЛТОНОВ,
Қирғизистон жумҳурияти, Ўш вилояти, Аравон район партия қўмитасининг биринчи котиби.

ТАҲРИРИЯТДАН:

Дарҳақиқат, рўзномамизнинг 1990 йил 25 сентябрь сонида «Дардимиз ҳам, тилимиз ҳам бир» сарлавҳали муштарийлар билан мулоқот эълон қилинганди. Бу мақолада қирғизистонлик муштарийларнинг Ўзбекистонда чиқадиган рўзнома ва журналларга обуна бўлишнинг бу йилги шароитидан кўнгиллари тўлмаётганлиги ҳақидаги фикрлари айтилганди. Чунки 1991 йил учун «Совет Ўзбекистони» рўзномасига обуна нархи 33 сўм белгиланганлиги уларни ташвишга солганди.

Рўзнома аралашувидан сўнг, Ўзбекистон жумҳурияти «Союзпечать» агентлигининг қарорига кўра, қўшни республикалардаги рўзномамизнинг обуначиларига белгиланган қўшимча нарх бекор қилинди. «Совет Ўзбекистони»нинг йиллик обуна нархи 17 сўм 40 тийин қилиб ўзгартирилди.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИДА

● Илгари хабар қилинганидек, 8-9 октябрь кунлари КПСС Марказий Комитетининг Пленуми бўлди. Пленум мамлакатдаги аҳвол ва иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказиш борасида КПССнинг вазифалари тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Авж олган мунозарада бозорга ўтиш йўллари тўғрисида хилма-хил фикрлар айтилди, жумладан бошқа мамлакатларда маъқул бўлган иқтисодий омилларни ўз-ўзидан совет шароитига ўтказишга уринаётган олимларнинг позициялари танқид қилинди.

Масалан, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Олий Кенгашининг аъзоси тарихчи Р. А. Медведев бозор иқтисодиётига ўтишнинг турли моделлари ҳақида гап борган мақолалар тўғрисида гапирди. Деярли миллион-миллион нусхада тарқатиладиган расмий матбуот органлари ҳам партияга ҳужум қилмоқдалар, деб таъкидлади у. «Мана менинг қўлимда РСФСР Олий Кенгашининг эндиликда расмий органи бўлган «Родина» журнали, — деб давом этди нотиқ, — мақолаларнинг биридан парча ўқиб бераман. Жуда кўп ёзиб турадиган иқтисод фанлари номзоди Лариса Пияшева. У икки кунгина илгари «Комсомольская правда» газетасида катта мақола билан чиққан эди. Мана унинг бозорга ўтиш модели. Бу Пияшевага газета ва журналлар саҳифаларини бериб қўяётган кишиларнинг фикрини ҳам акс эттиради, албатта: «Мен ўз мамлакатимни қайта тиклаш йўллари тўғрисида фикр юритар эканман миямга немисларнинг «иқтисодий мўъжиза» тажрибасини ҳудудимизга қандай қилиб ўтказишдан бошқа ҳеч қандай фикр келмайди. Аденауэр ҳукуматидек фавқулодда муддатларда иқтисодий либерализмни белгилаш, коммунистик идеологияни тақиқлаш, барча «ташаббускорлар»ни лоақал ўлгандан кейин бўлса-да қоралаб, бутун Россия товба-тазарру жараёнини ўтказиш, тоталитаризм юкидан ҳоли бўлиш, Ленин хокини кўмиш, бутун социалистик-коммунистик рамзий белгиларни музейдан олиб ташлаш ҳамда жамиятда сақланиб қолган барча кордонлик ташаббусига эрк бериш керак. Эркинлик берилган «кордонлик руҳи» мамлакатда ҳаётга иштиёқни ҳам, «протестант ахлоқи»ни ҳам қайта тиклайди, деган фикр умидимни кучайтиради».

Узил-кесил сергакланиб, ҳеч бўлмаса шундай фикрлаб кўриш керак: Гитлер Геббельс билан бирга уруш-дан кейин абгор бўлган, парчалаб юборилган ва маънавий жиҳатдан инқирозга учраган Германияни қайта тиклай олармиди? (Афсуски, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси илгари эълон қилинган ҳисоботда Л. Пияшевани мақоласидан келтирган парча стенограмма билан боғлиқ ишдаги пала-партишлик натижасида унинг ўзига тегишли қилиб қўйилган. Муаллифлар бунинг учун кечирим сўрайдилар»).

Тарихчи бундай ва шунга ўхшаш мақолалар муносабати билан оммавий ахборот воситалари ва энг аввало коммунистик матбуот уларнинг муаллифларига фаол зарба беришлари мумкин эди, деган ҳаққоний фикрни айтди.

Пленумда сўзга чиққан кишиларнинг фикрлари ғоят хилма-хил бўлишига қарамай, улар бозор тўғрисидаги масала — мамлакатда ҳозирги вақтда асосий, тақдирга дахлдор масаладир, деган якдил фикрни билдирдилар.

9 октябрь куни КПСС Марказий Комитети Пленумининг мажлисида мамлакатдаги аҳвол ва иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказиш борасида КПССнинг вазифаларини муҳокама қилиш давом эттирилди.

КПСС Марказий назорат комиссиясининг аъзоси, Полтава вилоятидаги Полтава райони йўл ремонт-қурилиш участкасининг ғишт терувчиси **В. Т. Чуйков** бозор иқтисодиётига ўтиш дастури лойиҳасини кескин танқид қилди. Унинг фикрича, бу лойиҳа социализмни ҳам, коммунизмни ҳам бутунлай йўққа чиқаришдан иборат. Бу стратегик ғоялар ва туб орзуларни сақлаб қолган НЭП тарзидаги тактик йўл эмас. Бу бутунлай онгли равишда коммунистик ғоядан воз кечиш демакдир. Нотиқ бу хусусда ўз далилларини келтирди.

Биринчидан, нима учун бозор иқтисодиётига ўтиш барча касалликлардан халос қилувчи восита қилиб кўрсатилиши ва инсоният бозор иқтисодиётидан кўра самаралироқ ҳеч нарса яратишга муваффақ бўлмади, деб асосланишини тушуна олмайман. Муваффақ бўлинмаган бўлса, бу бошқача бўлиши мумкин эмас, деган маънони билдирмайди.

Иккинчидан, 500 кун ишончсизлик уйғотади: биз илгари амалга ошмаган ана шундай баландпарвоз гапларнинг гувоҳи бўлганмиз. Бу гал ҳам алданмаслигимизга кафолат борми? Муаллифлар бундай кафолат бермайдилар. Аксинча, улар бундай катта жиҳатга ноаниқ таъриф берадилар ва шу заҳотиёқ бунга ишончсизлик пайдо бўлади. Масалан, мен улар режалаштирган корхоналар муваффақиятли ишлашига унчалик ишонмасликларини тушундим.

Сўнгра. Лойиҳанинг ҳозир зўр бериб танқид қилинаётган беш йиллик режалар билан жуда ўхшашлиги кишини таажжубга солади. Фарқи фақат шундадир: режаларда тармоқлар, йиллар бўйича ёзилган аниқ рақамлар, бу ерда эса умуман фикр ва ноҳалол рақобатга қарши курашга умид бор. Ёки даромадларнинг ошиши устидан жамоат назоратига умид билдирилган. Ҳар ҳолда Президент муайян ҳолатларда ўзининг фавқулодда ваколатларини қўлланиши мумкинлиги тўғрисида гапирилган. Тўғри, чет эл сармоясини жалб этиш тўғрисида бирмунча аниқ ва бирмунча кенг фикр юритилган. Қисқа қилиб айтганда, «ҳориж бизга ёрдам беради», дейилган. Матбуот хабарларига кўра, капиталист жаноблар маблағ сарфлашга унчалик шошилмаяптилар.

Лойиҳада корхоналарни деярли мажбуран хусусийлаштиришга асосий эътибор берилган. Ваҳолонки, коллективлаштириш соҳасида ҳам, ундан бошқа ишларда ҳам бундай мажбурийлик синаб кўрилган.

Халқнинг, социализмнинг ва партиянинг тақдири мамлакат раҳбарияти яқин вақтлар ичида қабул қиладиган қарорларга боғлиқ бўлади, деди КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Меҳнат ва ижтимоий масалалар давлат комитетининг Бутуниттифоқ меҳнатни ташкил этиш илмий маркази директори **А. А. Пригарин.**

Унинг фикрича, бугунги кунда коммунизмга қарши кураш хавфига етарли баҳо берилмаяпти. КПСС авангард — ҳукмрон партия бўлиб қолиши ва оппозицияга ўтмаслиги учун, деб таъкидлади нотиқ, биз халқнинг турмуш даражаси бундан буён пасайишига дарҳол чек қўйишимиз, ижроия ҳокимият ҳозирча қўлимизда экан, уни қайта тиклашимиз ва барча масалаларда аниқ снёсий мавқени эгаллашимиз зарур.

Нотиқ иқтисодиётда тартибни йўлга қўйиш зарурлиги тўғрисида гапириб, пулнинг қадрсизланишига қарши кескин чоралар кўришга, изидан чиққан хўжалик алоқаларини қайта тиклашга, нарх ва даромад ўсишини қатъий чеклашга, юз минглаб ва миллионлаб сўм пул тўплаган янги турдаги бойларга қарши пул ислоҳоти ўтказишга даъват этди. Агар партия турмуш даражаси пасайишига йўл қўймаса, деди нотиқ, у бундан буён ҳам халқ билан алоқасини узмайди, агар бу вазифани ҳал этмаса, халқ ўз йўлидан боради.

Биз мамлакатда қонунчиликни ва Конституция нормаларини сақлаб туриш борасида ўз бурчини бажармаганлиги учун Президентга ҳам, ҳукуматга ҳам ғоят жиддий норозилик билдиришимиз мумкин, деб давом этди илмий марказ директори. Унинг айтишича, қонун чиқарувчи ҳокимият ва мамлакатдаги ижтимоий турмуш демократик тарзда бўлиши лозим. Ижроия ҳокимият эса қабул қилинган қарорлар амалга оширилишини таъминлаш учун зарур бўлган даражада мўътадил ёки қатъиятли бўлиши керак. Пленум қатнашчиси ижроия ва қонун чиқарувчи ҳокимият соҳасида, айниқса мулк тўғрисидаги қонунларни ўзгартириш юзасидан Президентга фавқулодда ваколатлар берилишини қўллаб-қувватлаш учун ана шу далилни келтирди.

(Давоми иккинчи бетда).

(Давоми. Боши газетанинг 11 ва 12 октябрь сонида).

ЁШ ИШЧИЛАР ҲИССАСИ

● БЎЛАЖАК ИШЧИЛАР — Хоразм вилоятидаги ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари томонидан, тайёрланган моллари сотишдан олинган даромад 50 минг сўмни ташкил этади.

Улар Хоразмнинг марказий универсал магазини ёнида савдо ярмаркаси ташкил этиб, у ерда ўз буюмларини таклиф этдилар. Ярмаркада вилоят маркази аҳолисидан ташқари вилоятдаги саноат корхоналари, кооперативларнинг вакиллари ҳам бўлишди. Улар бўлажак ишчилар тайёрлаган тикувчилик буюмларини, мебелларни сотиб олишди. Ишлаб топилган маблағ ўқувчиларни мукофотлашга, ҳунар-техника билим юрти учун радио ва телевидение аппаратлари сотиб олишга сарфланади.

ЯНГИ МАҲСУЛОТЛАР

● ЧИРЧИҚ ТРАНСФОРМАТОР заводи халқ истеъмоли моллари цехи талабдан келиб чиқиб ўзига хос ёритгичлар чиқара бошлади.

Уларнинг афзаллиги шундаки — бу ёритгичлар одатдан ташқари ташқи кўринишга эга, уларни уйнинг ёки хонанинг исталган жойига ўрнатиш мумкин, нархи ҳам қиммат эмас. Бу буюмларнинг дастлабки туркуми харидорларга манзур бўлди.

(ЎзТАГ).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Нотиқ ушбу фикрни ривожлантириб, XXVIII съезднинг Дастурий баёнотида айни меҳнат соҳасида хусусий мулкчиликка йўл қўйилиши тўғрисида гапирилганини эслатиб ўтди. Бироқ съезддан кейин раҳбарларимизнинг нутқларида «меҳнат соҳасидаги хусусий мулкчилик» сўзлари учрамаяпти. Нотиқ ишлаб чиқариш воситаларига жамоа мулкини, меҳнат жамоалари мулкини, давлат мулкини ривожлантириш зарурлиги тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини ҳам айтди. Хусусан, давлат мулкини тугатиш тўғрисидаги таклифлар уни ажаблантиради, чунки «500 кун» дастурида жуда кам тармоқлар, жумладан мудофаа ва энергетика комплекслари давлат ихтиёрида қолдирилади. Уларнинг 49 фоизи акционерлик жамиятларига қарашли бўлади.

Бозор хусусий мулк иштирокидагина бўлиши мумкинми, деб ким савол берди, деб сўради нотиқ. Нима сабабдан пировард натижалар учун масъул бўлган корхоналар маҳаллийлаштирилган мулк асосида (жамоа мулкигина эмас, айни пайтда иттифоқ, жумҳурият ва коммунал мулк) фаолиятнинг иқтисодий натижалари учун тўла жавобгар бўладиган ва ундан манфаатдор бўлган бозорнинг қатнашчилари бўлишлари мумкин эмас.

— Масала энг аввало биз ишлашга қандай ўрганишимизга бориб тақалади, — деди КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Киров вилоят партия комитетининг биринчи котиби **С. А. Осминин.** Афсуски, Пленумимизда ва оммавий ахборот воситаларида, бутун ташкилотчилик ишимизда меҳнат мавзуи тўғрисида кам гапирилмоқда, деди у. Бизнинг бутун фикри-зикримиз хўжалик юритишнинг меҳнат унумдорлигига ва миллий маҳсулот ишлаб чиқаришда шунчаки силжишга эришишгина эмас, балки уни бир неча баравар кўпайтириш имконини берадиган шароитларни вужудга келтиришга қаратилмоғи лозим.

Бозор иқтисодиётига ўтишни жорий этиш учун таклиф қилинган дастурида энг асосий бўғин тўғри ажратиб кўрсатилган. Бунга асосланиб воқеаларнинг бутун занжирини билиб олиш мумкин. Бу иқтисодий муносабатларни такомиллаштиришдир.

Фақат бир нарса унча тушунарли эмас, нима учун программа бозорга ўтиш концепцияси деб аталди. Агар гапнинг бутун моҳияти бозорга бориб тақалса, бу кўпдан-кўп шубҳалар, зиддиятлар ва бошқача фикрларга сабаб бўладиган аниқ хатодир, деди нотиқ. Бозор барча даврларда муайян мақсадга эришишнинг воситаси бўлиб келган. Бозор қулдорлик даврида ҳам, феодализм ва буржуа тузумида ҳам хизмат қилган. У социализмга ҳам хизмат қилиши мумкин кўринади.

Бозорга ўтиш ғоясига жойларда безовталаниб муносабатда бўлинмоқда. Баъзилар уни капитализмга қайтиш демоқдалар, бошқалар хўжалик юритиш эркинлиги учун кенг уфқ очилишини, социалистик формация доирасида ташаббусга ва кордонликка кенг имконият берилишини олдиндан кўра билмоқдалар. Марказий Комитет бозор асосий мақсад эмас, балки социалистик жамиятнинг иқтисодий муносабатларини янгилаш учун бор-йўғи восита эканлигини аниқ-равшан айтиши зарур, деб ҳисоблайман.

Шундай бўлдики, тангликдан чиқиш йўлларини излаш борасида партия ишларнинг бошида турмади. Атайлаб шундай қилинди деб ўйлайман, бироқ бу ерда сўзга чиққан кишиларнинг ва бошқаларнинг бу бизнинг жиддий сиёсий хатомиз, деган фикрига қўшиламан. Бундай улкан ўзгартишлар ҳар томонлама фикрлашни, энг муҳими эса фаол қўллаб-қувватлашни талаб этади. Акс ҳолда бундай ўзгартишлар илгари бир неча марта бўлганидек барбод бўлиши мумкин. Бу ҳозир айниқса муҳимдир, чунки гап мамлакат тақдири, иқтисодиётдаги чуқур таркибий ўзгаришлар тўғрисида ва ниҳоят, бизнинг ижтимоий тузумимиз ҳақида бормоқда.

Белгилаб олинган янги тадбирларга нисбатан партиянинг яхши синовдан ўтган позицияси ҳозир ҳар қачонгидан кўра зарурдир. Биз уларни сўзсиз қўллаб-қувватлаймизми ёки муҳим ўзгартишлар киритамизми? Корхоналарни хусусийлаштириш кўламлари ва муддатларига танқидий баҳо бериш лозим деб ўйлайман. Бу ишни мўлжалланган кўламда амалга ошириш мумкинми ва зарурмикин. Бу иш қатъий ихтиёрийлик асосида, дастурда айтилмаганидек, меҳнат жамоаларининг розилиги билан халқ депутатлари маҳаллий Советлари орқали амалга оширилиши керак. Ер тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилинган. Шунинг учун мен ҳаво ва сув сингари зарур бўлган ер халқнинг мулки бўлиб сотиб олиниши ва сотилиши мумкин эмас, деган фикрни тўла-тўкис қўллаб-қувватлайман. Умумий мулкни хусусий мулк қилиб бўлиб юбориш, одамлар орасида низо ва тенгсизлик келтириб чиқариш ахлоқсизликдир.

Партия тарихнинг қалтис бурилишларида янгиланиш жараёни қийин кечишини, ислоҳотларнинг бутун оғирлиги меҳнаткашлар гарданига тушишини, бу эса ҳар бир кишининг янгича шароитларга тезроқ кўникишини талаб этишини аниқ-равшан айтиши зарур. Шу билан бирга одамлар партия уларнинг ижтимоий ҳуқуқларини қатъий туриб ҳимоя қилишига амин бўлишлари керак. Белгиланган дастурда эса кўпгина ижтимоий кафолатлар бирмунча расмиятчилик билан баён этилган. Қонун ҳужжатларининг кечиктириб бўлмайдиган лойиҳалари туркумида кўпгина қизиқарли ечимлар бор. Бироқ фақат бир ҳужжат — аҳолини иш билан таъминлаш ҳақидаги, тўғрироғи эса ишсизлик ҳақидаги ҳужжат меҳнат аҳлининг ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган. Бундан бошқа ҳеч қандай кечиктириб бўлмайдиган ҳужжатлар тақдим этилмаган.

Докладда, деди нотиқ, янги иқтисодий муносабатлар шароитида партия ташкилотларининг вазифалари тўғри баён этиб берилган. Айниқса, коммунистларни, шунингдек барча меҳнаткашларни бўлажак ўзгаришларга тайёрлаш муҳимдир.

Вазият мураккаб. Агар коммунистлар ислоҳот ўрнига бошқа ҳеч нарсани таклиф этмай, уни қабул қилмасалар, улар муқаррар консерваторлар томонига ўтиб олган бўладилар. Агар ислоҳот тўсқинликка учраса яна бутун зарба коммунистларга тушади, чунки улар мамлакатга раҳбарлик қилмоқдалар. Демак, бизнинг йўлимиз битта — халқимиз фаровонлигини кўзлаб иқтисодий муносабатларни зўр ғайрат билан такомиллаштиришдан иборат.

КПСС Марказий назорат комиссиясининг аъзоси, Туркманистон ССР Вазирлар Кенгашининг Раиси **Ҳ. Аҳмедов** бозор муносабатларига ўтиш — мамлакат иқтисодиётини уни қамраб олган тангликдан олиб чиқишга қодир бўлган бирдан-бир тадбирдир, деди. Таклиф этилаётган тадбирларни амалга ошириш чоғида энг муҳими ССР Иттифоқининг янгиланган, аммо ўз тузилиши жиҳатидан федератив давлат сифатидаги яхлитлигини сақлаб қолишга эришишдан иборат.

Бўлажак туб ва анча мушкул бурилиш даврида жумҳуриятларнинг ўзига хос манфаатларини энг кўп даражада ҳисобга олиш зарур. Бу, биринчи галда, иқтисодиёти асосан хом ашё етказиб беришга йўналтирилган, халқ хўжалиги структураси такомиллаштирилмаган, ижтимоий соҳада орқада қолаётган жумҳуриятлар учун ғоят долзарбдир. Туркманистон ана шундай жумҳуриятлар қаторига киради. У ердан олиб чиқиб кетилаётган маҳсулотнинг қарийб 80 фоизи хом ашёдир. Шу жиҳатдан қараганда ички бозорга, шунингдек ташқи бозорга олиб чиқиладиган хом ашё турларини сотишда жумҳуриятнинг бевосита иштирокига, нарх белгилашда унинг устун даражадаги мавқеига таяниш керак бўлади, бунда умумдавлат манфаатлари ҳисобга олинади, албатта.

Бозорга ўтиш чоғида ижтимоий жиҳатдан қоплаш тўғрисидаги, ҳозирнинг ўзидаёқ рўй бераётган йўқотишларни камайтириш тўғрисидаги масала нотиқни айниқса ташвишлантирмоқда. Унинг айтишича, агар партия жиддий равишда меҳнаткашларнинг манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш ниятида бўлса бу нарса унинг доимий эътиборида бўлиши керак. Бу борада қатъий позицияни эгаллаш лозим. Афсуски, биз ҳозирча ўз нуқтаи назаримизни кўпроқ баён этяпмиз. Аслида эса ижтимоий соҳани умуман зарур деб ҳисобласакда, ҳамиша унга етарли эътибор бермаяпмиз. Одамларга ёрдам беришга шунчаки даъват этмай, балки меҳнаткашлар оммасини ҳимоя қилишнинг самарали воситасини вужудга келтиришнинг пухта ўйланган амалиёти зарур.

Нутқда янги вазиятни қатъият билан ўзлаштириш, бозор иқтисодиётига ўтишни ўрганиш, бунга одамларни ўргатиш, уларга кўрилаётган тадбирларнинг моҳиятини тушунтириш зарурлиги айтилди. Хуллас, партиянинг тақдиригина эмас, балки бозорга ўтиш дастурининг тақдири ҳам ана шу қисқа вақт ичида партиянинг қандай иш кўришига боғлиқдир.

Коммунистлар ва умуман металлургларнинг уч миллион кишилик жамоаси бозор муносабатларига ўтиш ғоясини қўллаб-қувватламоқдалар, деди КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР металлургия вазири **С. В. Колпаков.** Унинг айтишича, аниқ-равшан воситаларнинг йўқлиги муҳокама қилинаётган деярли барча дастурларнинг асосий камчилигидир.

Вазир бугунги кунда мамлакат металлургия комплекси сақлаб қолинганлиги ва унинг ишга қодирлиги тўғрисида гапириб, саноатдаги ишларнинг аҳволидан, иқтисодиётда танг ҳолатлар кучаяётганлигидан хавотирлик билдирди. У жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида тармоқда маҳсулотнинг асосий турларини ишлаб чиқариш ҳажми камайганлиги сабабларини таҳлил этиб берди.

1991 йилда янги улгуржи нархлар жорий этилганидан кейин корхоналарни даромад даражасига қараб кескин фарқлаш айниқса хавотирлик уйғотади, деди нотиқ. Бу эса давлат учун ғоят муҳим бўлган ва ноқулай шароитда ишлаётган корхоналарнинг анча қисми муқаррар синишига олиб келади. Қисқа вақт ичида бозор талаблари ҳисобга олинадиган бошқарув структурасини ва мулк шаклларини амалга ошириш керак.

Сўнгра нотиқ металлургия саноатини бозор иқтисодиётига ўтказиш масаласи хусусида СССР Президентига мурожаатномада баён этилган нуқтаи назарга тўхталди. Тармоқ корхоналари ва ташкилотларини жуда қисқа муддат ичида давлат акционерлик жамиятларига айлантириш тўғрисидаги таклифлар ана шу нуқтаи назарнинг асосини ташкил этади. Ана шу корхоналар ва ташкилотлардан акционерлик асосида бирлашмалар ва концернлар, бутун акционерлик системаси, ягона тармоқ маркази, бозорга ўтишнинг дастлабки босқичида — вазирликлар, келгусида металлургия корпорациялари ташкил этилади.

Ихтиёрий ёки ихтиёрсиз равишда мамлакат иқтисодиётини тезроқ барбод этиш ниятида бўлган кишилар вазирликни тугатишни талаб қилиб, ҳукуматга, жамоатчилик фикрига тазйиқ ўтказишга уринмоқдалар, деди у. Бундай ҳиссиётлар таъсирида қабул қилинган қарорлар нималарга олиб келиши мумкинлиги Донбасс шахтёрларидан маълум. У ерда бошқарув қўлдан бой берилган, кўмир қазиб олиш ҳажми муттасил камайиб бормоқда, иқтисодиёт пасайиб кетмоқда. Молиявий ёрдамнинг таъсири бўлмаяпти. Ҳозирги вақтда шахтёрлар Президент ҳузурига келиб, дарҳол вазирликни қайта тиклашни илтимос қилмоқдалар.

Биз тармоқда корхоналарнинг идораларга бўйсунишини бозор иқтисодиётига хос бўлган мулкчилик муносабатларига ўтказиш йўли билан ишлаб чиқариш муносабатларини принцип жиҳатидан қайта қуришни назарда тутяпмиз. Акционерлик муносабатларига асосланган тармоқ структураси унинг барча бўғинлари аниқ манфаатдор бўлган тақдирда энг кўп даражада пировард натижага йўналтирилади.

СССР Олий Кенгашининг СССР Президентининг қўшимча ваколатлари тўғрисидаги қарори ўз вақтида чиқарилган қарор деб ҳисоблаймиз ва бир қанча жумҳуриятларнинг бизнинг тармоқда, шунингдек бошқа тармоқларда таркиб топган оқилона ишлаб чиқариш алоқаларини узишга интилишларини бартараф этиш учун бундай ваколатлардан фойдаланишни сўраймиз, деб таъкидлади вазир. Жумҳуриятларда хўжалик ҳисобининг янги хилма-хил моделлари ўйлаб чиқарилган моделлар бўлиб, уларни бекор қилиш керак. Марказий Комитет Пленуми ўртага қўйилган саволларга тезроқ жавоб олиш учун саноат корхоналарининг коммунистларига ёрдам бериши даркор. Шундагина бошланғич партия ташкилотлари меҳнаткашларни танланган йўл тўғрилигига ишонтиришлари, уларни ўз орқаларидан бошлашлари мумкин. Энди сусткашликка йўл қўйиб бўлмайди.

Хусусий мулкчиликни ривожлантиришга асосланган бозор иқтисодиётига ўтишдан бошқа йўл борми? Бор, деб жавоб беради Марказий Комитет аъзоси **А. В. Бузгалин.** Биз бозорда меҳнат жамоалари, фуқаролар, оммавий демократик ташкилотлар хўжайин бўлгандагина бозорга ўтишни маъқуллаймиз, деб таъкидлади Москва давлат дорилфунуни сиёсий иқтисод кафедрасининг доценти.

Унинг фикрича, КПСС сиёсий куч бўлган тақдирдагина бирдамликка эришиш мумкин.

Шу муносабат билан нотиқ партия ортиқча юкдан халос бўлиши кераклигини айтиб, бир қанча принципиал мулоҳазаларини баён этди. У жумладан, КПСС аъзоларига яна партия аъзоси сифатида рўйхатдан ўтишга имконият беришни таклиф этди. Акс ҳолда, унинг фикрича, биз ҳаммамиз ҳеч қандай иш билан банд бўлмаган кишиларни орқамиздан бошлаб бораверамиз. Нотиқ партия тарафдорлари муассасасини жорий этишни таклиф қилди.

Нотиқ партиядаги хилма-хил тузилмаларга таяниш кераклигини, таъсир гуруҳлари, партия клублари ва бошқа тузилмаларни ташкил этиш, шаҳар ва вилоят комитетлари аппаратига қуйидан истеъдодли ёшларни жалб этиб, уни янгилаш зарурлигини айтди.

Нутқда минбардан туриб Собчак, Попов, Ельцинлар билан баб-баравар мунозара қила оладиган янги партия раҳбарларини вояга етказишга даъват қилинди.

Оммавий ахборот воситаларида мафкуравий кураш тўғрисидаги масалани нотиқ алоҳида ажратиб кўрсатди. Агар биз бугун шу ерда ҳужумга ўтмасак, эртага кеч бўлади, деди у. Ҳужумни эса бутунлай ўзига хос усулларда олиб боришга тўғри келади. Варақалар, плакатлар ёрдамида кураш олиб бориш, митингларда сўзга чиқиш, оммавий ҳаракатда муқобил йўлни таклиф эта билиш, у ёки бу корхонани қуршаб олганлар доирасига кира олиш миллатчи, фашистпараст антикоммунистик ташкилотларга қарши пикет уюштириш, истеъдодли журналистни қўллаб-қувватлай билиш шулар жумласидандир.

Нотиқ оммавий демократик ҳаракатлар ишига қўшилишни энг муҳим вазифалардан бири деб атади. Унинг айтишича, ҳозир ишчилар ҳаракати, экологик ҳаракат, истеъмолчилар, маданий ҳаракатлар келгусида тоталитаризм тарафдорлари ҳокимияти пайдо бўлишига қарши ягона, жиддий, оммавий, муқобил йўлдир.

Бугунги кунда тоталитаризм тарафдорлари ўз нафрати тиғини КПССга қаратганлар ва уларга қўшилишнинг бирдан-бир имконияти ҳеч қандай раҳбарликни даъво қилмай, энг оддий ва энг оғир ишни зиммага олишдан иборат. Агар биз бу ишни бошқаларга қараганда яхшироқ бошласак, ана шу ҳаракатларда зарур одамлар бўлиб қоламиз, деб таъкидлади нотиқ.

Ижтимоий-иқтисодий системанинг, жумладан миллий-давлат тузуми ва мафкуранинг умумий танглиги мавжуд тузилмаларнинг ҳаётий қобилиятга эга эмаслигини аён этган тангликдир. — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Эстония Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби **Э.- А. А. Силлари** мамлакатдаги ҳозирги вазиятни ана шундай таърифлади. Мана шундай жуда чуқур танглик нуқтаи назаридан қараганда, бозорга ўтиш кераклиги ёки керак эмаслиги тўғрисида мунозара қилиб ўтириш кишини ажаблантиради, деди у.

Маъмурий-буйруқбозлик системасининг барбод бўлиши объектив жараёндир ва унга қаршилик кўрсатишнинг ҳожати йўқ, деб давом этди нотиқ. Унинг фикрича, маъмурий-буйруқбозлик системаси ўзгаргунича бошбошдоқликка, тартибсизликка, қонунсизликка қарши курашиш керак.

Нотиқ академик Шаталин раҳбарлигида ишлаб чиқилган программани қўллаб-қувватлаб гапирди. Гарчи Эстония 15 та жумҳурият орасида ана шу дастурни ишлаб чиқишда қатнашмаган ягона жумҳурият бўлса-да, олимлар, иқтисодчилар, корхоналарнинг ва хўжаликларнинг раҳбарлари билан бўлиб ўтган учрашувлар, суҳбатлар бу ерда мустақил давлатларнинг иқтисодий иттифоқи ғоясини қўллаб-қувватлаётган кишилар борлигини ва улар анчагина эканлигини кўрсатмоқда, деб таъкидлади нотиқ.

Бироқ бозорга ўтиш ғояси қийинчилик билан амалга ошмоқда, деди нотиқ. Одамлар бу ғояни безовталаниб қабул қилмоқдалар, кимлардир уни СССРни муқаррар барбод этишга олиб борадиган тадбир, деб ҳавотирланмоқда.

Нотиқ Эстониядаги, жумҳурият Компартиясидаги ҳозирги вазият тўғрисида гапириб, жумладан қуйидагиларни айтди: ҳозирги қийинчиликлардан, аҳолининг салбий муносабатига сабаб бўлаётган тадбирлардан, масалан, жумҳуриятда озиқ-овқат маҳсулотлари нархи кескин ошишидан, Компартияга қарши қаратилган тадбирлардан одамларнинг эътиборини чалғитишга уринишлар бўлмоқда, шунга қарамай, партиямиз яшаб турибди.

Агар биз одамлар тўғрисида ғамхўрлик қилишни ўзимизнинг асосий вазифамиз деб билсак, ўз фаолиятимизда партия сифатида ўзимизнинг мавжудлигимиз манфаатларига эмас, балки Эстония халқи манфаатларига амал қилсак, агар ҳокимият учун курашиш эмас, балки беғаразлик бизнинг асосий қондаларимиз бўлиб қолса, сиёсий мухолифларга нисбатан қаҳр-ғазаб эмас, балки уларга нисбатан сабр-тоқатли бўлиш, ҳамкорлик қилишга тайёргарлик принципига амал қилсак — ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўрнимиз мустаҳкамланаверади, деб ўйлайман. Яқинда партиянинг съезди ўтказилади. Шунгача жумҳурият коммунистлари сиёсий жиҳатдан ўз йўлларини белгилаб олишлари керак, деб ҳисоблаймиз. Биз Эстонияда бир миллат Компартиялари ташкил этилишига йўл қўймасликни истардик. Шунга қарамай, жумҳуриятда ҳозирнинг ўзидаёқ ана шундай бир миллат партиялари бор. Булар Эстония Компартиясидан ташқари бошқа партиялардир. Бироқ биз Компартияда вазиятга, муаммоларга ўзига хос баҳо бера оладиган эстонлар бўлиши зарурлигини аниқ-равшан англаймиз.

Йўл танлашнинг мана шундай мураккаб, қийин кечадиган жараёнларида КПСС Марказий Комитети бизга тазйиқ ўтказмай ва майда-чуйда васийлик қилмай, бизни тушунишига умид боғлаймиз, деб таъкидлади нотиқ.

КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Ереван давлат дорилфунуни кафедрасининг мудири **Ю. И. Мкртумян**нинг таъкидлашича, Арманистондаги кўпгина коммунистлар якдиллик билан бозор муносабатларига ўтиш керак, деб ҳисобламоқдалар. Аммо масала шундан иборатки, мана шу бозорга ўтилиши бутун жамиятнинг манфаатлари йўлида, меҳнаткашлар кенг табақаларининг манфаатлари йўлида амалга оширилиши учун ҳам ташкилий, ҳам сиёсий, ҳам хўжалик тусидаги аниқ воситаларни ишлаб чиқиш лозим. Агар бозорга ўтишдан меҳнаткашларнинг аҳволи баттар ёмонлашадиган бўлса, табиийки, бу нарса партиямизга шон-шараф ва обрў келтирмайди.

Бозорга ўтиш ҳозир жамиятимизда янги сиёсий йўлни ўтказиш ва амалга оширишнинг иқтисодий асоси бўлиб қолиши мумкин. Биз бозорни ёқлаб овоз беришимиз керак, бироқ биз нисбатан жуда қисқа вақт ичида ижобий натижалар берадиган бозорнинг тарафдоримиз. Нопок йўл билан катта сармоя ғамлаб олган пинҳона иқтисодиёт корчалонлари бозор муносабатларига ўтиш пайтида ҳамма энг муҳим лавозимларни эгаллаб олиб янада кўпроқ бойлик орттирадиган, меҳнаткашларнинг аҳволи эса янада ёмонлашадиган бўлиб чиқмаслиги лозим.

Сўнгра нотиқ ҳам расмий, ҳам норасмий ижтимоий-сиёсий ташкилотларга муносабат тўғрисидаги фикрни айтди.

Биз бу ташкилотларнинг фаолиятига баҳо беришга жуда вазминлик билан ёндошишимиз керак, уларга ёрлиқлар осиб қўйишга шошмаслигимиз лозим, деди у. Кўпгина норасмий ташкилотлар ҳам инқироздан қутилишда жамиятимизга ёрдам беришга интилаётганликларини таъкидлаб ўтмоқчиман. Улар орасидан душманларни изламаслигимиз керак, биз улар билан ҳамкорлик қилишимиз лозим.

Шундан кейин нотиқ қуйидагиларни таъкидлади: ҳозир ички партиявий ишга, партия қарорлари халқ учун ҳаётий муҳим аҳамият касб этиб, унга манфаат келтирадиган бўлишига кўпроқ эътибор бериш керак. Шу муносабат билан нотиқ бир неча таклиф киритди.

Биринчиси. Партия Марказий Комитети ҳаракатчан ва таъсирчан органга айланиши лозим. Йилига икки ёки уч марта бир-икки кунга эмас, балки узоқроқ муддатга тўпланиши керак. Бу эса вазиятни чуқурроқ таҳлил этиш ва амалий таклифларни ишлаб чиқиш имконини беради.

Иккинчиси. Партия Марказий Комитетининг Пленумини Марказий Комитетнинг сайлаб қўйиладиган комиссиялари ҳам тайёрлашлари керак.

Ниҳоят, охирги таклиф. Сиёсий бюро ва Котибият аъзолари камроқ гапирсинлар, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси бўлган оддий коммунистлар кўпроқ гапирсинлар, улар партия ва жамият қурилишининг жуда турли-туман муаммоларини кўтариб чиқишлари ва атрофлича таҳлил этишлари, шу тариқа Марказий Комитетни демократиялашлари ва унинг фаолиятини кучайтиришлари мумкин.

Биз бозорга ўтиш соҳасида камида икки йил орқада қолдик. Шундай бўлсада биз одамлар билан маслаҳатлашмай яна хато қиляпмиз, деди КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Томск вилоят партия комитетининг биринчи котиби **А. А. Поморов,** ислоҳот академикники, президентники, раисники бўлмасин, уни одамлар ишлаб чиқсинлар. Оқилона, амалий туб ислоҳот меҳнаткаш инсоннинг ислоҳоти бўлиб қолсин. Бошқача бўлганида уни одамлар қабул қила олмайдилар. Қанчадан-қанча чора-тадбирлар одамлар томонидан қабул этилмаганлиги сабабли ҳавога учди.

Бунда турмушнинг ўзини эътиборга олиш керак. Мулкчилик ҳақидаги кўпгина гап-сўзлар аҳвол-руҳиятни, анъаналарни ва мулкчиликни рўёбга чиқариш воситаларини етарли равишда ҳисобга олмаяпти. Мулкчилик азалдан ўзи яратадиган неъматлар ва имкониятлар орқали рўёбга чиқиб келган. Биз узоқ вақт давомида мулкчиликни фақат станоклар, заводлар, мол-мулк тарзида ваъда қилиб келдик, аммо улар яшаб турган муҳитни ва улар ишлаб чиқарадиган маҳсулотни эътиборга олмадик. Агар биз ҳар қандай туб ёки туброқ ислоҳотлардан аввал маҳсулотнинг бир қисмидан жамоаларнинг ўзлари мутлақ фойдаланишларига ижозат бериб қўйганимизда пештахталар ҳувиллаб қолмаган, шу тадбирнинг ўзиёқ ҳар қандай ислоҳотларни жадаллаштирувчи омил бўлган бўлур эди.

Биз ҳар бир халқнинг табиий эркинлигини, унинг тарихи, анъаналари, маданияти, тили, келажагини ҳурмат қилишимиз керак, деди сўзини давом эттириб нотиқ. Бироқ узоқ йиллар давомидаги зўравонликсиз тарихий йиғувчанликни, бемалол бирлашувчанликни эътиборга олмаслик ярамайди. Бундай сиёсатнинг тарихий илдизлари йўқ.

Бироқ тарих узлуксиздир. У ҳар бир халқ учун ҳозир ҳам давом этмоқда. Бинобарин эндиликда ҳам халқларнинг тақдири ҳам ўзгариши мумкин. Буни ҳам эътиборга олиш керак.

Аммо ҳозир кўп ишларда қилинаётганидек, арзон обрў шабадаларида фақат сунъий суверенитетгина вужудга келиши мумкин. Тарихнинг ҳозирги босқичидаги одилона суверенитет — бирликка хизмат қиладиган суверенитетдир. Иқтисодий мустақилликнинг ҳам, ҳуқуқларни Иттифоққа ихтиёрий топширишнинг ҳам меъёри мана шундан иборат. Россиядаги кўпгина доно кишиларнинг айтишича, мана шундай суверенитет ҳаққоний ва ҳаётий бўлади.

Вилоят комитетининг биринчи котиби мураккаб даврда бошланғич партия ташкилотларининг ишига тўхталиб, тўғридан-тўғри бундай деди: уларнинг кўплари фаолиятсиз турибди, баъзиларида ҳаёт тўхтаб қолди, уларнинг анчагинаси саросимада. Олий поғонадаги партия раҳбариятининг ноизчиллиги ва заифлиги шу саросималикни келтириб чиқарди. Сиёсий бюро, Котибият, КПССнинг илмий марказлари бирлаштирувчилик омилларини лозим даражада ишлаб чиқмаяптилар, социалистик йўлни, ташкилий негизларни ҳимоя қилмаяптилар. Гап сайлаб қўйилган олий партия органларининг ишини тубдан қайта кўриб чиқиш зарурлиги ҳақида бориши керак.

Мамлакат бозор муносабатларига қайси йўлдан бориши масаласи марказий масаладир, деб ҳисоблайди КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Тожикистон ССЖ Вазирлар Кенгашининг Раиси **И. Ҳаёев.** Барча жумҳуриятларнинг, маҳаллий гуруҳларнинг куч-ғайратларини бирлаштириш йўли биланми ёки марказдан қочирма кучларнинг ошиб бораётган тазйиқига ён бериб, сепаратчилик асосидами? Тожик коммунистлари биринчи йўлнинг тарафдоридирлар, деб таъкидлади нотиқ. Биронта жумҳуриятда инқироздан мустақил равишда чиқиб олиш учун шароит йўқ, шу сабаб Тожикистон ССЖнинг мустақиллиги тўғрисидаги декларацияда ҳам, Тожикистон Компартиясининг съездида қабул этилган ҳаракат дастурида ҳам жумҳурият янгиланган совет федерациясини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш йўлини фаол ўтказаверади, деб таъкидланган.

Партия мамлакатдаги фавқулодда вазиятни эътиборга олиб жамият барча кучларини ва мамлакат халқларини жипслаштириш масалаларини ўзининг кундалик амалий фаолияти марказига қўйиши, ўзаро манфаат ва тенг ҳуқуқли шериклик асосида шу халқларнинг сиёсий ва иқтисодий бирлашувини таъминлаши лозим.

Нотиқ иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказиш дастурини таҳлил этиб, биринчидан, бу дастур барча жумҳуриятларнинг кучларини бирлаштиришдан иборат объектив заруратни нақадар тўлиқ акс эттиришига асосланаётганини таъкидлайди. Унинг фикрича, бу омил Иттифоқ шартномасида мустаҳкамлаб қўйилиши керак. Иккинчидан, минтақаларнинг бозор иқтисодиётига ўтиш пайтидаги шароитлари ва имкониятлари ҳисобга олиняптими ёки йўқми? Дастур эса бозор иқтисодиётини жумҳуриятларнинг хусусиятларига татбиқан қуришнинг принципиал асосларини ҳисобга олмайди, уларнинг манфаатларини мувофиқлаштиришнинг аниқ воситасини белгилаб бермайди.

Иқтисодиётни барқарорлаштириш йўлидаги биринчи қадам сифатида ресурсларни ўзаро етказиб беришнинг кафолат бериб қўйилган энг оз даражасини таъминлаш, тартибга солиш ва таъсир ўтказишнинг барча воситаларидан фойдаланиш керак. Ўтиш даврида шартномавий мажбуриятларни бажармаганлик учун қаттиқ масъулият белгилаб қўйиш зарур.

Биз Иттифоқ бюджетининг мавқеи етарли равишда кучли бўлиб қолишининг, тармоқ ижтимоий дастурлари ва умумиттифоқ вазифаларини амалга ошириш учун молиявий маблағларни қайта тақсимлаш воситаси амал қилаверишининг ҳам тарафдоримиз. Бу — федератив давлатнинг бевосита вазифасидир. Бу давлат ривожланишининг эски бузилишлар иллатидан қутилиш ва ҳар бир жумҳурият, умуман Иттифоқ иқтисодиётининг энг самарали тузилмаларини барпо этиш зарур бўлган босқичида эса бу вазифанинг аҳамияти янада ошади.

Меҳнат ресурслари ортиқча бўлган минтақаларда аҳолини иш билан таъминлашнинг умумиттифоқ дастури ҳам бўлиши керак. Зарар кўраётган ва кам рентабелли корхоналарга молиявий мадад беришни ҳамма жойда тўхтатиб қўйиш ҳақидаги таклифга ҳам қўшилиб бўладими, ахир? Уларнинг халқ хўжалик комплексидаги аҳамияти ва ўрнига қараб иш тутиш тўғрироқ бўлмайдими? Ерга бўлган мулкчилик шакллари билан боғлиқ бўлган иқтисодий муносабатлар масаласи ҳам бениҳоя муҳим деб ўйлаймиз. Бу соҳада ҳам биз табақалашган ёндашув тарафдоримиз. Ерни хусусий мулк қилиб сотиш керакми ёки йўқми, деган масалани баъзилар таклиф қилаётганидек, умумиттифоқ референдуми билан эмас, балки ҳар бир жумҳуриятда алоҳида-алоҳида, унинг тарихий анъаналарини ва табиий шароитларини ҳисобга олиб ҳал этиш керак, деб ҳисоблаймиз.

Ўтиш даврида энг муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари учун қатъий чакана нархларни белгилаб қўйиш зарур. Бугина эмас, шу даврда энг муҳим озиқ-овқат маҳсулотларини марказлаштирилган тарзда тақсимлаш тартиби ҳам сақлаб қолиниши лозим. Бундан ташқари қарор топган умумиттифоқ меҳнат тақсимотидан воз кечиш жумҳуриятларга ҳам, мамлакатга ҳам манфаат келтирмайди, чунки бу тартиб турли минтақаларнинг табиий иқлим шароитларидан мамлакатнинг ялпи манфаатлари йўлида фойдаланиш имконини бериб келган эди. Ихтиёримиздаги ҳамма нарсадан бирданига воз кечиш ярамайди, деб таъкидлайди сўзининг охирида нотиқ. Бундай ёндашув олдимизда турган вазифаларни ҳал этишга кўмаклашмайди, балки, аксинча, ишимизга халақит беради, буни биз тажрибадан биламиз. Ҳамма масалага атрофлича, вазминлик билан, туб-мўътадил тарзда, ўзаро келишиб ёндашиш керак.

М. С. Горбачев Марказий Комитет Пленумининг ишини якунлаб бундай деди: Пленум ишини чуқур идрок этиш лозим. Мен сизларни мана бундай қилишга таклиф этаман. Сизлар бу ҳақда ўйлай бошлаганингизда, биз амалий ишлар босқичига тезроқ ўтишимиз кераклигини назарда тутинглар. Пленумдаги нутқларда РСФСР Компартиясининг съездида муҳокама қилинган, партия XXVIII съездида принципиал тарзда ҳал этиб бўлинган мавзулар ҳам тилга олинди. Шу нуқтаи назардан биз вақтни бой бердик. Бинобарин ҳозир гап қабул этилган қарорларни амалга ошириш соҳасидаги амалий ишлар мавзуига тобора кўпроқ ўта бориши керак. Вазият ҳаддан ташқари кескинлашди ва энди зудлик билан чора-тадбирлар кўрилиши керак. Амалий ишлар билан шуғуллана бошлаган партия ташкилотлари ва партия комитетларини одамлар қандай қўллаб-қувватлаганликларига бир назар ташланг. Бу — бўлиб ўтган мунозарадан келиб чиқадиган асосий хулоса бўлиши керак, деб келишиб олишимиз лозим.

Сўнгра. Пленум мамлакатда ҳозирги вақтда вужудга келган вазият тўғрисидаги ахборотни бизга етказганлиги нуқтаи назаридан ҳам муҳимдир, бундай ахборот ҳаммамизга жуда зарур. Шу сабабли ўртоқлар нақадар ўткир, ҳатто эҳтиросли сўзлаган бўлсалар ҳам, биз унга партиявий назар билан қарашимиз керак. Биз ҳаммамиз яна бир бор бошдан кечирган, мамлакатда рўй бераётган воқеалар ҳаммамизнинг зиммамизга янада қатъият ва масъулият билан ҳаракат қилиш мажбуриятини юклайди, деб ўйлайман. Ишчилар синфи, меҳнаткашлар коммунистлардан тўғри сўзни, амалий ишни ҳам кутмоқдалар.

Биз ўткир мунозара натижасида қабул қилган қарорда КПССнинг бозор иқтисодиётига ўтишдек жуда муҳим масала хусусидаги фикри баён этилди. Партиянинг фикри, партиянинг сўзи жуда катта аҳамиятга эга. Биринчидан, бизнинг меҳнаткашларимиз учун, иккинчидан, ҳозир бозор иқтисодиётига ўтиш дастури устида ишлаётган ва уни қабул қиладиган кишилар учун аҳамиятга эга бўлади.

Бу гапдан, масалан, мен бу ерда айтилган ҳамма гапларга қўшиламан, деган маъно келиб чиқмайди. Бозор иқтисодиётига ўтиш йўлидаги ҳаракатни капитализмни қайта тиклаш деб эълон қилиш йўлидаги уринишларни қатъиян рад қиламан. Модомики, гап мулкни давлат ихтиёридан чиқариш ҳақида бораётган экан, биз бу жараёнда халқнинг ўзи қатнашиши керак, деб аниқ келишиб олдик. Охир-оқибатда жамоа, ижара, акционерлик мулкининг турли шаклларини жорий этишга кўмаклашадиган восита керак, аммо ҳаммаси халқнинг қўлида бўлиши лозим. Шу сабабли сизлар бу мавзу диққат марказида бўлди ва биз социалистик йўл доирасида бозор иқтисодиётига ўтишимиз, социалистик ғояга садоқатимизни сақлаб қолишимиз керак, деб одамларга ҳалол айтаверишингиз мумкин. Энг муҳими мана шу, тақдим этилган дастурларга ҳам шу ёндашув асос қилиб олинган, Олий Кенгашда ҳам мен шуни таъкидладим.

Бу ерда партиянинг, Марказий Комитетнинг фаолияти масалалари, сиёсий ва иқтисодий вазият, ҳуқуқий соҳанинг ҳолати хусусида кўпгина танқидий мулоҳазалар айтилди, бу нарса одамларни ташвишлантираётганлиги таъкидланди. Ҳеч бўлмаганда партия йўли билан биз тегишли идоралар шанига тўғри гапларни айтдик, деб ҳисоблайман. Ана шу долзарб масалаларни ҳал этиш йўлари топилиши керак, эски ва янги қонунлар меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳимоя қиладиган бўлсин. Бу гап аввало чайқовчи унсурларга қарши курашни кучайтиришга тааллуқлидир. Ҳукумат бу масалани кўриб чиққанидан кейин ҳафта охирида СССР Олий Кенгашига таклифлар киритади. Қаттиқ чоралар кўрилади, бу чоралар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва ҳокимият идоралари қўлига кучли, қудратли кураш воситасини беради. Халқ бу чораларни қўллаб-қувватлайди, деб ўйлайман.

Бу ерда кўтарилган бошқа масалалар ҳам бирон-бир тарзда ўз ечимини топади. Фикрлар нақадар хилма-хил бўлмасин қайта қуриш тақдири учун, мамлакат тақдири учун КПССнинг масъулияти тушунчаси бу ерда янграганлигини яна бир бор айтмоқчиман. Бу тушунча ҳозир жамиятимиздаги барча ватанпарвар кучларнинг сай-ҳаракатларини бирлаштириш соҳасида КПССнинг фаолиятида ўз аксини топиши жуда муҳимдир. Бу — ҳозир бизга қилинган даъват, замон талаби, биз қилишимиз лозим бўлган энг муҳим ишдир. КПСС мана шу марказий масалада, одамларни ташвишга солаётган шу масалада амалий мавқеда туриши керак, чунки одамлар муҳолифликни, беқарорликни рад қилмоқдалар, қийинчиликларни тезроқ бартараф этишни хоҳламоқдалар. Бунга эса иноқлик, ҳамкорлик ва, такрор айтаман, барча ватанпарвар кучларни бирлаштириш негизидагина эришиш мумкин. Биз мана шунинг тарафдоримиз ва мен буни КПССнинг бутун жамият учун жуда муҳим бўлган фикри деб ҳисоблайман.

Умуман, ўртоқлар, бу ерда айтилган ҳамма гаплар идрок қилиб чиқилгандан кейин биз тўғри хулосалар чиқариб оламиз, деб умид қиламан. Бу хулосалар бизни орқага тортмайди, балки барча жабҳаларда қайта қуриш ишини дадил олға силжитиш учун янги билим билан қуроллантиради. Мен сизларни шундай қилишга чақираман ва сизларнинг бундан буён ҳам қўллаб-қувватлайверишингиздан умидворман.

(ТАСС).

КПСС МАРКАЗИЙ НАЗОРАТ КОМИССИЯСИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Аввал хабар берилганидек, 10 октябрь куни КПСС Марказий назорат комиссиясининг пленуми бўлди. Унда Марказий назорат комиссиясининг раиси Б. К. Пуго маъруза қилди. У шундай деди:

Биз ҳаммамиз КПСС Марказий Комитетининг масъулиятли қарорлар қабул қилган Пленумида қатнашдик. Пленум ишида қатнашиш партия олий назорат идораси сифатидаги имкониятларимизни кенгайтиради, олдимизда турган вазифаларни чуқурроқ мушоҳада этишга кўмаклашади.

Сиёсий система ислоҳотининг чуқурлашуви, бозор иқтисодиётига ўтиш совет жамияти тарихида янги саҳифа очаётганлиги бугунги кунда равшан бўлиб қолди. Партиядан фаолиятнинг новаторларча шакллари ва усулларини тезда ўзлаштиришни талаб этадиган принципиал бошқача вазият юзага келмоқда. У ўзининг ижодий, ақлий имкониятларини тўла рўёбга чиқаргандагина жамиятнинг сиёсий раҳнамоси сифатидаги вазифасини бажариши мумкин бўлади. Ҳозир бутун партия бошидан кечираётган ана шу ҳақиқатнинг тагига етишнинг оғир жараёни, ўз-ўзидан маълумки, унинг назорат идораларига ҳам дахл қилмай қололмасди.

КПСС XXVIII съезди партия назоратининг ленинча принципларига асосланиб, фақат партия съезди ёки унинг конференцияси олдида ҳисоб берадиган КПСС Марказий назорат комиссиясини тузди. Унинг таркибига фаол коммунистлар, партиялилар оммасининг мухтор вакиллари сайланди. Марказий назорат комиссияси аъзоларининг ярмидан кўпроғи ишчилар, деҳқонлар, халқ хўжалиги мутахассисларидир. Буларнинг ҳаммаси амалда Марказий назорат комиссияси мустақиллигини таъминлайди, унга коммунистлар ва партия ташкилотлари номидан партия марказий идоралари ҳамда унинг аппаратлари фаолиятини назорат қилишга имкон беради.

Албатта, партиянинг олий назорат идораси жойлардаги назорат комиссиялари сингари назорат қилишда қандайдир якка ҳокимликка эга эмас ва унга интилмайди ҳам. Бу бутун партиянинг, унинг барча идораларининг, барча коммунистларнинг вазифасидир. Партия назорат органларининг асосий вазифаси — «қуйидан» бўладиган назоратни, партиялилар оммаси ўзини тўғридан-тўғри ва бевосита назорат қилишни ҳар томонлама рағбатлантиришдан иборат. Оддий коммунистлар, охир оқибатда, ва бевосита назорат қилишипартия марказий идораларининг бутун турмуш фаолиятига ҳақиқий таъсир кўрсатиш имкониятини олишлари керак.

Биз бугунги кунда партия назоратини принцип жиҳатидан қандай ҳолда кўришни хоҳлаймиз? Энг аввало у самарали, демократик бўлиши керак.

Бу коммунистлар кенг оммасининг назоратдаги иштирокидир. Бу партия турмушининг ҳақиқатдан ҳам етилган масалаларини аниқлашдир. Бу назоратга олинган қарорлар ўз вақтида рўёбга чиқарилишини таъминлаш лаёқатидир. Зарур бўлган тақдирда уларни тузатиш йўлларини кўрсатиб беришдир. Хуллас, назорат ҳозир биз партияни тасодифлардан ва зўравонликлардан сақлаш учун тузаётган ҳимоя системасининг энг муҳим бўғинига айланиши зарур.

Ҳозирги Пленумда КПСС XXVIII съездининг принципиал кўрсатмалари асосида Марказий назорат комиссиясининг асосий вазифаларини белгилаб олиш, бир қанча ташкилий масалаларни ҳал этиш зарур. Фаолиятимизнинг усуллари тўғрисида ҳам маслаҳатлашиб олиш керак бўлади. Бунда, эҳтимол, партияни янгилаш, унинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш юзасидан шошилинч тадбирлар кўришга тўғри келадиган ҳамда жуда тез ўзгариб бораётган мураккаб, сиёсий ва иқтисодий шароитда ишлашимизга асосланиш керак бўлади.

Ҳар қандай ишда ташланган дастлабки қадамлар ҳамма вақт қийин бўлган. Ҳамма нарсаларни икир-чикиригача ҳисобга олиш, қандайдир қатъий чизмаларни тайёрлаш билан шуғулланишга берилиш ярамайди. Бундай йўлни тутиш — жонли ишни йўқ қилиш демакдир.

Марказий назорат комиссиясининг вазифаларини белгилар эканмиз, амалий ҳаётга, коммунистлар, партия ташкилотларининг аниқ-равшан эҳтиёжларига, съездда кўпчилик бўлиб ишлаб чиқилган қарорларга асосланиш лозим.

Ҳа, ўртоқлар, ушбу қарорларни бажаришда энди сусткашликка йўл қўйиш мумкин эмас. Халқ кутавериб чарчади. Унинг иқтисодий аҳвол туфайли норозилиги кучайиб, бугунми, эртами ана шу норозилик жумбушга келиши мумкин. Экстремистик кучлар бизнинг мавжуд қийинчиликларимиз, хато ва камчиликларимиздан фойдаланиб, ўз фаолиятларини жуда жадаллаштириб юбордилар. Улар эҳтиросларни қасддан авж олдиришмоқда, одамлар онгига таъсир қилиб, ҳаловатини бузишмоқда, уларни тўғридан-тўғри қонунни бузишга ундашмоқда. Мамлакатимизга барқарорлик ҳаводек зарур. Сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий барқарорлик зарур. Тартиб ўрнатиш керак. Унингсиз ҳар қандай ислоҳот инқирозга маҳкумдир.

Ҳақиқатан ҳам юзага келган вазият жуда мураккаб. Шундай бўлса-да эҳтиросларга берилиш керак эмас. Коммунистик партия мамлакатдаги муайян, амалий сиёсий куч сифатида бугунги кунда ўзининг тарихий имкониятларидан фойдаланиши мумкин ва лозим, у фуқаролар тотувлиги партиясига айланиши даркор. Лекин бунинг учун, энг аввало у ўз сафларини жипслаштириши зарур.

Мен драматург Михаил Шатровнинг СССР Президентининг маданият арбоблари билан учрашувида алам билан гапирган фикрларига қўшиламан. У шундай деган эди: «Партиядаги консерваторлар ва демократлар бир-бирларининг ҳиқилдоғидан олиб, ўзларини амалда жонсизлантириб қўйдилар, улар минг-минглаб янги сўзлар топиш, ҳаракат дастурларини ишлаб чиқиш, баёнотлар бериш, чалакам-чатти йўл тутиш билангина шуғулланишмоқда. Уларнинг бу ҳаракат дастурлари ҳамда баёнотларини ҳозир ҳеч ким ўқимаяпти ва ўқишни ҳам хоҳламаяпти».

Бошқа бир хатарни ҳам кўрмаслик мумкин эмас. Янги Уставга мувофиқ иттифоқдош жумҳуриятларнинг Компартиялари мустақил ҳаракат қиладилар. Лекин съезд қарорларида бир-биридан айрилиш миллий хонадонларга тарқалиб кетиш хусусида ҳеч қандай гап йўқ. Партиямиз байналмилал моҳиятининг бузилиши уни муқаррар сиёсий инқирозга олиб келиши нахотки тушунарли бўлмаса?

Ўртоқ коммунистлар, энди айбдорларни излашни, бир-биридан ажралишлар ва тарқоқликларни бас қилармиз балки. Ахир биз съездда партия сиёсатининг асосий масалалари хусусида келишиб олган, муштарак фикрга келган эдик-ку. Энди биргалашиб ҳаракат қилишимиз керак. Партиямиз ўз қаддини ҳаракат қилувчи ишчан партия сифатидагина тиклаб олиши мумкин.

Бундай шароитда Марказий назорат комиссиясининг, партия бошқа назорат идораларининг аҳамияти қандай бўлади? Қуйидагиларни алоҳида таъкидлашни хоҳлардим: биз қийнаб, азоб бериб таъқиб этадиган ташкилот эмасмиз. Биз партияда ўзгача фикрловчи кишиларга қарши курашадиган орган эмасмиз. Вазифамиз ҳам мураккаб, ҳам амалийдир. Партиялилар оммаси партия ташкилотларидаги ишлар аҳволини таҳлил этишимизни, воқеаларнинг боришини олдиндан айтиб беришимизни, кераксиз можаролар ҳамда келишмовчиликларнинг олдини олишимизни кутишмоқда. Назорат идораларининг бутун обрўси, Уставда берилган ваколатларидан ўртамиздаги табиий мунозаралар, баҳслар партиявий ўртоқлик доирасида, партия одобига риоя этган ҳолда ўтиши учун фойдаланиш зарур. Хуллас, биз партия бирлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш учун ҳамма ишни қилишимиз керак. Бу съезд олдимизга қўйган энг асосий вазифа ҳисобланади.

Ўртоқлар, съезд делегатлари партия комитетларини, ҳатто КПСС Марказий Комитетини қайта қуриш чоғида йўл қўйилган хатолар учун кескин танқид қилдилар. Биз ана шу хатолардан тўғри сабоқ чиқарилиши устидан назорат ўрнатилишига биринчи даражали аҳамият беришимиз керак. Мен бу масаланинг айрим жиҳатларигагина тўхталиб ўтаман.

Совет жамияти турмушида чуқур ўзгартишларнинг ташаббускори бўлган партия унга ҳамма ҳолларда ҳам тайёр эмаслиги маълум бўлди. Унинг жамиятга таъсир қилиш имкониятларидан, сиёсий кампаниялар ўтказиш чоғида аҳли зиёлилар имкониятидан, ташкилотчилик қобилиятидан тўла-тўкис фойдаланилмади. Кўпгина партия комитетлари янгиланган Советларнинг вазифаси ҳамда аҳамиятини тушуниб етганлари, улар билан амалий ҳамжиҳатлик қилиш йўлларини топганлари йўқ. Партиянинг ишчилар ва деҳқонлар ҳаракати янги шаклларига нисбатан тутган йўли жуда кечикиб аниқланди. Ёшлар ўртасида олиб бориладиган самарали, яхлит сиёсат дастури ишлаб чиқилмаган.

Ваҳолонки ҳозирги ижтимоий ҳаёт кун тартибига янги ва янги масалаларни қўяди. Бу масалалар ўткир, кутилмаган масалалар бўлиб, уларга қўл силташ мумкин эмас. Уларни ҳар бир партия комитети, ҳар бир назорат идораси вақт ниҳоятда етишмаётган шароитда, мафкуравий бўшангликдан, ақидапарастликдан, сиёсий сусткашлик ва паришонхотирликдан ғайрат билан халос бўлиб, мустақил ҳал этишига тўғри келади. Партия барча даражалардаги советларга сайланган коммунистларнинг имкониятидан қандай фойдаланаётганини жиддий таҳлил этадиган вақт келди. Улар энг аввало бизнинг ўртоқларча мададимизга муҳтождирлар. Бугунги кунда худди мана шу ерда ишлар ниҳоятда «қизғин» боряпти, худди шу ерда одатдан ташқари вазиятлар юзага келмоқда, эски қолиплар бузилмоқда.

Илгари партия назорати идоралари коммунистларни асосан тўралардан, тентаксифат амалдорлардан, танқидни бўғувчилардан ҳимоя қиларди. Ҳозир уларнинг ҳимоя қилиш борасидаги вазифалари анча кенгайтирилиши лозим. Маълумки, Болтиқбўйи жумҳуриятларида, мамлакатимизнинг бошқа бир қанча минтақаларида сайлаб қўйиладиган ҳокимият идораларидаги коммунистлар оппозицияда туришибди. Кўп партиялилик шароитида бу мутлақо тушунарлидир. Лекин сиёсий кураш жараёни кўпинча маданият доирасидан чиқаётганлиги жиддий ташвиш туғдиради. Ҳокимият тепасига келган янги кучлар ўтган йилларда бизга жуда қимматга тушган хатоларни такрорлашмоқда. Улар коммунистик мафкуранинг мавжудлигига, КПССнинг мавжудлигига бардош бера олмаяптилар. Ўзининг бутун ҳаётини шу партия билан боғлаган одамлар борлигига чидай олмайдилар. Марказий назорат комиссиясининг раёсати КПСС ҳаракат дастурига амал қилувчи Литва Компартияси Марказий Комитетининг баёнотига қўшилиб, бирдамлигини билдиради. Ушбу Компартия сиёсий партиялар тўғрисида жумҳуриятда қабул қилинган қонунни демократияга қарши, инсон ҳуқуқларини камситувчи қонун деб ҳисоблайди.

Коммунистик партия сиёсий мулоқотга ҳам, сиёсий баҳсларга ҳам тайёр. Бунда биз инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳурмат қилинишини, барча фуқароларнинг сиёсий эътиқодлари ва нуқтаи назарларидан қатъи назар қонун олдидаги тенглигини эътироф этишларини қаттиқ талаб қиламиз. Фақат шу асосдагина совет жамиятини демократиялаштириш жараёнига кафолат бериш мумкин, бозор иқтисодиётига муваффақиятли ўтилишини таъминлаш мумкин.

Марказий назорат комиссиясига Компартияга аъзо бўлгани учун таъқиб этилаётган кишилар тўғрисида хабарлар келмоқда. Афсуски, фақат бир қанча хорижий мамлакатлар амалиётидагина шундай қилиш мумкин эмас экан. Баъзи сиёсатчиларнинг нутқлари, муассасалар ва ҳатто ҳокимият идоралари айрим раҳбарларининг коммунистларга қарши қилаётган «касбни тақиқлаш», «сиёсий эътиқодига қараб камситиш» сингари хатти-ҳаракатлари бизда ҳам реал воқеликка айланмоқда.

Маълумки, партиямиз ҳукмрон партия ҳисобланади ва мамлакат олий кенгашида коммунист депутатлар кўпчиликни ташкил этади. Жамиятимизни ва унинг фуқароларини XXI аср бўсағасида ғоялар учун сиёсий муросасозликка ва қувғунларга учраш хавфидан асраш учун зарур қонунлар чиқариб, кафолат яратиш, барча ишларни қилиш партиямизнинг бурчидир.

Айни вақтда ғайриқонуний тарзда таъқиб этилган ҳар бир ҳолда коммунистнинг шани ва қадр-қимматини ҳимоя қилишга тайёр бўлиш керак. Шу муносабат билан одамлар партиявий тузилмалар доирасида тегишли ҳуқуқий хизмат идоралари ташкил этилишини таклиф қилмоқдалар.

Съезд олдидан бўлган умумпартиявий мунозаралар чоғида партиялилар оммаси ҳокимиятни қарор топтириш билан, бошланғич партия ташкилотлари мавқеини ошириш билан боғлиқ кўпдан-кўп таклифлар айтилди.

Съезд амалда бу таклифларнинг ҳаммасини қабул қилди, улар уставда ўз аксини топди. Ҳозир барча даражалардаги партия комитетлари бошланғич партия ташкилотларини уларнинг ишларини ҳар куни тартибга келтиришдек юмушдан ҳоли этишмоқда, уларнинг ички турмушига амалда аралашаётгани йўқ, ташаббусларини ҳам чеклашмаяпти.

Айни вақтда партиялилар оммаси марказга нисбатан талабчанликни кескин оширди. Бу омма КПССда ташкилий ва мафкуравий ишларнинг аҳволидан қониқмаяптилар, Марказий Комитет Сиёсий бюросини, Котибиятини сусткашлиги, у ёки бу масалалар юзасидан ўз йўлини аниқлаб олишда қатъиятсизлиги учун танқид қилишмоқда. Бу ҳақда Марказий назорат комиссиясининг аъзолари ҳам хабар бермоқдалар. Қисқасини айтганда, коммунистлар партия раҳбариятидан тезроқ ҳаракат бошлашни кутишмоқда. Кўпчилик марказнинг маҳаллий ташкилотлар билан тўлақонли алоқалари йўқолиб бораётганлигини ташвишланиб айтмоқда. Ҳақиқатан ҳам шундай бўляпти.

Бинобарин, ҳозирги, демократик тушунчада партия маркази нима дегани, партиялилар оммасининг ягона хоҳиш-иродасини ифодаловчи эмасмикан? Бошқа савол ҳам пайдо бўлади: ана шу хоҳиш-ирода пайдо бўлганми ўзи, ёки коммунистларнинг янги негиздаги сиёсий бирлигига эришиш жараёни эндигина бошландими. Неча ўн йиллар мобайнида КПССда амал қилган марказдан туриб тўраларча буйруқ ва кўрсатмалар бериш қоидаси бошланғич ташкилотларни партия сиёсатидан амалда четлашишга олиб келганлигига бирор киши эътироз билдирмаса керак. Мустақил ҳаракат қилиш учун эркинлик олгач, улар ўз кучларини қаерга ва қандай сарфлашни ҳамма вақт ҳам аниқ тасаввур эта олмайдилар, аввалгидек, марказдан кўрсатма кутадилар.

Йўқ, гап «марказдаги тангликда» ҳам, «жойлардаги тайёрга айёрлик» кайфиятида ҳам эмас. Ўртамизда ишларни қайта тақсимлаш, партия сиёсатининг асосий оғирлигини қуйи ташкилотларга ўтказиш билан боғлиқ аниқ-равшан, муайян қийинчиликлар бор. Партия ташкилотларига ўзларининг янги вазифаларини тушуниш ва ўзлаштиришда ёрдам бериб, ушбу жараённи тезлаштириш, изчилликка муқим эришиш, афтидан, КПСС Марказий идораларининг вазифасига киради. Афсуски, бу вазифани ҳал этишда биз илгари силжимадик. Партия ижроия идоралари ва унинг аппаратларини қайта ташкил этиш даври чўзилиб кетди. Пленумимизни ҳам — буни ошкора айтиш керак — анча аввал ўтказиш мумкин эди.

Ўртоқлар! Мамлакатимиз иқтисодиётда туб ўзгартишлар бўсағасида турибди. XXVIII съезд аниқ бир фикрни айтди: иқтисодий ислоҳотнинг ҳамда халқ хўжалигидаги ишлар аҳволини яхшилашнинг асосий мазмуни бозор муносабатларига ўтиш бўлиши керак. Айни вақтда ҳалигача кимлардир шундай фикр юритади: гўёки съезд қарорлари умуман бўлмагандек, бозор керакми ёки керак эмасми, дейишади. Бозор муносабатларига ўтишнинг мақбул йўлларини излаш, партиянинг янги шароитдаги вазифасини мушоҳада қилиш, унинг амалий иш шакллари ва усулларини идрок этиш бошқа гап. КПСС Марказий Комитетининг шу кунларда ўтган Пленуми худди ана шунга бағишланган.

Бугун биз ниҳоятда муҳим ушбу вазифаларни ҳал этишда партия назорати идораларининг ўрнини аниқлаб олишимиз керак. Бошқарув идораларининг фаолиятига ҳар қандай аралашишга йўл қўйиб бўлмайди, албатта. Раҳбар-коммунистлар ўзларининг қолоқлиги, сусткашлиги, баъзида эса масъулиятсизлиги билан аслида иқтисодиётни қайта қуришга халақит бераётганликларига бефарқ қараб бўлармиди. Бу ўринда принципиал, жуда қатъий тарзда ҳаракат қилиш керак бўлади. Акс ҳолда биз бутун партияни у томондан бу томонга силкитавеpишдан қутила олмаймиз.

Меҳнат жамоалари манфаатлари ҳамда эҳтиёжларининг ҳақиқий ифодачиси бўлишда партия ташкилотларига қандай ёрдам бериш тўғрисида ҳам ўйлаш керак. Инсоннинг энг зарур эҳтиёжларига бефарқлик, унинг қонуний ҳуқуқларининг бузилиши, юмшоқ қилиб айтганда, партия ташкилотларининг обрўсига обрў қўшмаслиги равшан. Бундай ҳолда биз одамларнинг ижтимоий сиёсатимизга эҳтиёжини ҳеч қачон шакллантира олмаймиз. Боз устига, биз уларни ишлаб чиқаришда партия умуман керак эмас, деган хулосага олиб келамиз. Бундай аралашмаслик йўлини тутган партия ташкилотларининг, партия комитетларининг масъулиятини жиддий ошириш зарурлиги кўриниб турибди.

Энди сизларга Марказий назорат комиссиясига съезд берган бевосита топшириқлар қандай бажарилаётгани тўғрисида ахборот беришга рухсат этсангиз. Бу топшириқларнинг ҳар бири юзасидан иш бошлаб юборилди. КПСС Марказий Комитети билан биргаликда партия норматив-методика ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда. Сизга маълумки, ана шу ҳужжатларнинг бир қисми қабул қилинган. Партия мулкидан янада самарали фойдаланиш, шу жумладан, тижорат фаолиятини ривожлантириш орқали фойдаланиш йўллари изланмоқда.

Марказий назорат комиссиясининг бир қатор аъзолари съезд тузган партияда енгилликлар ва имтиёзлар комиссияси таркибига кирганлар. Маълумки, бу ҳақда КПСС Марказий Комитетининг ўтган Пленумида гапирилган эди. Айтиш керакки, бу ўринда афсуски, ҳали ҳамма нарса мухтасар бўлгани йўқ. Ваҳоланки, съезд белгилаган муддатда ишни тугатиш имконияти бор эди. Коммунистларга бошқа масалаларга нисбатан имтиёзлар масаласида тўла равшанлик керак. Биз ушбу комиссияда ишлаётган Марказий назорат комиссияси аъзоларига мурожаат этиб, яна қатъият ва ташаббус кўрсатишларини илтимос қиламиз.

КПСС XXVIII съезди номига оқлаш тўғрисида тушган аризалар ва хатлар билан ҳам кўп ишлашимизга тўғри келади. Марказий назорат комиссиясининг раёсати кейинги уч ой ичида 160 га яқин оқлаш тўғрисидаги аризани кўриб чиқди, шундай аризаларнинг 300 тадан кўпроғи навбат кутиб турибди. Бу жуда масъулиятли иш. Энг аввало коммунистларнинг хатти-ҳаракатларига баҳо беришда бошқача ёндашувлар зарур. Уларнинг баъзилари ўз вақтида фаол сиёсий арбоб, хўжалик соҳасидаги омилкорлик ва бошқа шу каби хислатлари учун аслида жазоланган эдилар. Уларга қандай ёрлиқлар ёпиштирилмади, дейсиз. Ана шуларнинг ҳаммасини яхшилаб текшириш керак. Сиз биринчи навбатда, ўртоқлар, жойларда ҳам бориб ариза берган кишилар билан учрашиб, суҳбатлашиб, ҳужжатларни кунт билан текшириб, ҳамма нарсаларни аниқлашингизга тўғри келади.

Кейинги вақтда Марказий назорат комиссиясига қилинаётган мурожаатларнинг руҳи ўзгармоқда. Кўпгина хатларнинг муаллифлари партиянинг ғоявий ва ташкилий асосларини мустаҳкамлаш йўллари хусусида фикр юритадилар, кўпгина фаол, софдил одамлар унинг сафларидан чиқиб кетаётганликларининг муносабати билан ташвиш билдирадилар. Жиноятчилик, пинҳона иқтисодиёт, чайқовчиликнинг авж олишига қарши курашни кучайтириш тобора қаттиқроқ талаб қилинмоқда. Шу билан бирга ишлаб чиқариш фаолиятидаги камчиликлар тўғрисида ёзилган хатлар сони кескин камайди. Кадрларни танлашда партиявий қоидалар бузилаётганлиги, танқидга нотўғри муносабатда бўлинаётганлиги, мансабдор шахсларнинг ўз хизмат вазифаларини суиистеъмол қилаётганликлари тўғрисида кам хабарлар келмоқда. Думалоқ хатлар амалда йўқолиб кетди. Биз буни мутлақо тамойилга айлантирмоқчи эмасмиз. Ўз-ўзидан маълум, бироқ келаётган хатларни ўрганиш ишларимизни аниқ-равшан режалаштириш, жойлардаги қайта қуришнинг муайян натижаларини кўриш имконини беради. Марказий назорат комиссиясининг қабулхонаси иш бошлади, унга ҳар бир киши мурожаат этиши мумкин.

Биз бирорта ташвишли хабарни эътиборсиз қолдиришимиз мумкин эмас. Айниқса, гап ўз хатти-ҳаракатлари билан партия обрўсига путур етказаётган коммунистлар ҳақида борганда уни эътиборсиз қолдира олмаймиз. Бундай хатлар эса бизда бор. Марказий назорат комиссиясининг аъзоси Саранск уйсозлик комбинати монтажчилар бригадасининг бошлиғи ўртоқ В. М. Васин шундай хатлардан бирини текширишга бошчилик қилди. Марказий назорат комиссиясининг раёсати унинг ёзган хатини кўриб чиқиб, баён этилган фактлар хусусида жиддий ташвиш билдирди. Хатда Мордва вилоят партия комитетининг бир қатор масъул ходимлари ҳамда Мордва автоном жумҳуриятининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг раҳбар — коммунистлари йўл қўйган қонунни ва КПСС Уставини қўпол бузиш фактлари кўрсатиб берилганди.

Марказий назорат комиссиясининг раёсати аниқланган фактларга баҳо бериши, коммунистларнинг партиявий жавобгарлиги тўғрисидаги масалани ҳал этиши мумкин эди, албатта. Бироқ ҳозирги шароитда жумҳурият партия ташкилотини четлаб ўтишни мақсадга мувофиқ деб топмадик. Ушбу масала яқин кунларда мордва вилоят комитетининг пленумида кўриб чиқилади. Бу хусусда бизнинг аниқ йўлимиз бор ва уни пленумда қаттиқ ҳимоя қиламиз.

Партиявий жиҳатдан қораланган кишиларни оқлаш муаммолари хусусида алоҳида гапириш керак бўлади. Бу ўринда, муботалағасиз айтиш мумкинки, иш бошдан ошиб ётибди. Масалан, Донецк вилоятининг ўзидагина 30-40-йиллар ва 50-йилларнинг бошларидаги қатағонлар муносабати билан 4 мингга яқин киши партиядан ўчирилган эди. Вилоят партия ташкилотининг назорат комиссияси ҳозир ойига 20 тага яқин аризани кўриб чиқишга қурби етади. Вазият бундан ҳам мушкулроқ бўлган минтақалар кўп. Демак, муаммоларнинг бундай суръатда ҳал этилиши 10 йилларга чўзилиб кетиши мумкин. Бунга мутлақо йўл қўйиб бўлмаслиги равшан. Назаримизда қатағонга учраган барча кишиларни партиявий жиҳатдан оқлаш тўғрисида КПСС Марказий Комитети билан Марказий назорат комиссиясининг сиёсий қарори лозим ёки шаҳар ҳамда район партия ташкилотларининг назорат комиссияларига ва партия комитетларига ушбу масалаларни ҳал этиш ҳуқуқини бериш керак. Хуллас, ўртоқлар, келинглар, маслаҳатлашиб олайлик.

Мамлакат ва партиядаги вазият, съезднинг «КПСС бюджети ва мулки тўғрисида»ги қарори тафтиш ишларини ташкил этишга янгича ёндашувларни талаб этади.

Таҳлиллар аъзолик бадалларининг янги миқдорлари жорий этилиши, КПСС сафларининг қисқариши, унинг ноширлик фаолиятидан олинадиган солиқларнинг кўпайтирилиши натижасида партия бюджетининг даромад қисми, демак партия фаолиятини маблағ билан таъминлаш имкониятини ҳам ярмидан кўпроқ қисқаришини кўрсатмоқда. Биз партия бюджети камайиб кетадиган, марказда ҳам, жойларда ҳам партиявий иш учун зарур бўлган пул маблағлари етишмаслиги қаттиқ сезиладиган вазиятга тушиб қолишимиз мумкин.

Бундай шароитда бир миллиондан ортиқ КПСС аъзоси аъзолик бадаллари юзасидан қарздор эканлигига, яна ўн минглаб киши ўзининг тўла маошидан аъзолик бадалини тўламаётганлигига, партия ташкилотларининг анча қисми аъзолик бадалларини ўз ҳолича эҳтиёжи учун қолдираётганлигига муроса қилиш мумкинми? Бинобарин, партияда бундай жараёнлар кучайиб бормоқда. Шу йилнинг биринчи ярим йиллигидагина партия бюджетига 7,4 миллион сўм пул тушмади. Барча даражалардаги КПСС Марказий Комитетигача бўлган партия комитетлари бундай ҳодисаларга ҳозирча етарли баҳо бермаяптилар. Марказий назорат комиссиясининг раёсати коммунистларнинг интизомини мустаҳкамлаш, салбий тамойилларни бартараф этиш юзасидан қатъий чора кўрилиши зарур, деб ҳисоблайди. Ноширлик фаолияти самарадорлигини ошириш, кордонликни ривожлантириш юзасидан ўйлаб қадам ташлаш, даромаднинг янги манбаларини излаш лозим. Съезд ушбу масалаларни партия комитетлари билан биргаликда ҳал этишни назорат комиссияларига ҳам топширган.

Бюджетнинг даромад қисми қисқариши билан бир вақтда улгуржи нархлар ва тарифлар ўсиши, ижтимоий суғуртага ажратмалар ортиши муносабати билан харажатлар кўпаяётганлигини ҳам ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Аввалари хаёлга келмаган харажатлар пайдо бўлмоқда. Корхоналар ва ташкилотларда партия комитетлари ва бюролари фаолияти учун зарур биноларга ижара ҳақи тўлаш, партиянинг сайлаб қўйиладиган идоралари ишини таъминлашга кетадиган харажатлар ўрнини қоплаш назарда тутилмоқда. Буларнинг ҳаммаси бюджетга катта юк бўлиб тушмоқда, барча партия идораларидан қаттиқ тежамкорлик ўрнатишни, маош олиб ишлайдиган ходимлар сони қисқартирилишини талаб этмоқда.

Кейинги вақтда партиянинг мулки тўғрисидаги масала тобора ўткирлашмоқда. Уни партиядан тортиб олиш хусусида талаблар қўйилмоқда, коммунистларнинг кўпгина авлодлари ва уларнинг маблағларидан ташкил топган партия мулки борлигининг ўзи қай даражада қонунийлиги ҳақида мунозара қилинмоқда. Иш шунгача бориб етдики, бир қанча маҳаллий ва жумҳурият ҳокимияти идоралари КПСС мулкини тортиб олиш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Бу қарорлар ҳеч қандай қонуний кучга эга эмас. СССР Олий Кенгаши қабул қилган «СССРда мулк тўғрисида»ги қонун ҳар қандай шахсий мулк эгасининг, шу жумладан КПСС сингари ижтимоий-сиёсий ташкилотнинг ҳуқуқларини ҳам ҳимоя қилади. Ушбу масалаларда партиянинг ижроия идоралари принципиал, қатъий йўл тутишлари керак. Албатта, Марказий назорат комиссияси ҳам ушбу муаммоларни ҳал этишдан четда турмайди. Биз қонунсизликлар қандай пайдо бўлаётганлигини маҳлиё бўлиб кузатиб туришга ҳаққимиз йўқ.

Умуман партияда тафтиш ишларига етарли баҳо бермасликдек кўп йиллар мобайнида мавжуд бўлган одатни бартараф этишимиз, КПСС моддий базасини мустаҳкамлаш учун унинг имкониятларидан тўлароқ фойдаланишимиз керак.

Ўз-ўзидан маълумки, бугун тилга олинган ана шу барча муаммолар партия Марказий Комитети билан биргаликда ҳал этилиши керак. Биз аввал бошданоқ Марказий Комитет, унинг бўлинмалари ва аппарати билан ўзаро муносабатларда тўғри йўл тутишимиз лозим. Муҳолифликка, нафсониятга берилишларга, арзир-арзимас нарсаларга турткилашларга йўл қўйиб бўлмайди. Бу ерда партия манфаатлари олий мезон бўлиши керак. Улар эса, ана шу манфаатлар, ўртоқларча, принципиал негизда амалий ҳамжиҳатликни талаб этади.

Ўртоқлар, бир нарсани алоҳида таъкидлашни хоҳлардим: Марказий назорат комиссияси, жойлардаги назорат комиссиялари қатъи тарзда белгиланган назорат вазифасини бажарадилар. Албатта, барча ҳолларда соғлом фикр, меъёр ҳисси доимо юқори келиши керак. Баъзида, айтиш мумкинки, бекордан-бекорга можаролар чиқади. Комиссия ўзининг кучини энг аввало район, ёки шаҳар партия комитети аппаратининг фаолиятини текширишга сарфлайди. Бунда айбдорларни «ушлашга», уларга қаттиқроқ зарба беришга уринади, ўзини «юқори» назоратчи деб ҳисоблайди, демак олдинданоқ кераксиз можаро чиқишини кутавер.

Айтганча, янги назорат идораларининг тегишли партия комитетларининг билан ўзаро муносабатларига бошқа томондан ҳам қараш керак бўлади. Бизда назорат идораларининг янги вазифасини тушунмасликдан ва қай даражададир ҳатто қабул қилмасликдан дарак берадиган бир хабар бор. Партия комитетларининг баъзи раҳбарлари ҳозир ҳам бу идораларни ўзларига тобе тузилма бўлинмалари сифатида қарашни хоҳлаяптилар, уларнинг фикрига кўра, бу бўлинмаларга коммунистларнинг ўзлари учун ноқулай бўлган хат-хабарларни ва мурожаатномаларини юбориш мумкин. Баъзан иш назорат комиссиялари кадрларини танлашга аралашишгача бориб етади.

Тушуниб турибсизки, бу жуда нозик масала. Лекин ҳозир, аввал бошданоқ унинг қарорлари тўғри ўзанга буриб юборилмаса, бу масала муаммога айланиши, нохуш оқибатларга сабаб бўлиши мумкин.

Яна бир мураккаб масала бор. Маълумки, КПСС Устави иттифоқдош жумҳуриятлар Компартияларига жумҳурият партия ташкилотлари назорат идораларини тузиш тўғрисидаги масалани ўзлари ҳал қилиш ҳуқуқини берди. РСФСР, Ўзбекистон, Озарбайжон, Молдова, Латвия ва Литва коммунистларининг бўлиб ўтган съездларида фақат уларни сайлаган партия анжуманларига ҳисоб берадиган шундай идоралар тузилди. Бошқа жумҳуриятларнинг партия ташкилотларида ҳозирча бундай қилинган йўқ.

Албатта, биз кимгадир ўзимизнинг нуқтаи назаримизни тиқиштиришни хоҳламас эдик. Айни вақтда, Марказий назорат комиссиясининг раёсати иттифоқдош жумҳуриятлар Компартияларининг мустақил, демократик йўл билан сайланган назорат идоралари партиялилар оммаси уларга берган ваколатлардан янада самарали фойдаланишлари мумкинлигига аминдир. Вақт, ҳаётнинг ўзи ҳамма нарсани ўз жойига қўяди, деб ўйлаймиз.

Мухтор жумҳуриятлар, ўлкалар, вилоятлар ва шу кабиларнинг партия ташкилотларининг назорат комиссияларига келганда, улар КПСС Уставига мувофиқ ҳамма ерда тегишли конференцияларда сайланиши керак. Аслида эса Украина, Қозоғистон ва бошқа баъзи минтақалардаги кўпгина партия ташкилотларида бу Устав қоидаси инкор этилмоқда. Буни нормал ҳол деб эътироф қилиш мумкин бўлмаса керак. Партия ташкилотларининг аввал қабул қилинган қарорларини тузатишга қурблари етади, деб ўйлаймиз.

Бугун биз Марказий назорат комиссиясининг тузилмасини ҳам тасдиқлашимиз зарур. Шу хусусдаги таклифлар марказий назорат комиссияси аъзоларига тарқатилган. Раёсат Марказий назорат комиссияси фаолиятининг асосий йўналишлари: партия дастурий ҳужжатлари, КПСС Устави, съездлар ва конференциялар қарорларининг бажарилиши устидан назорат қилиш; КПСС бюджетининг ижроси ва молиявий-хўжалик фаолиятини тафтиш этишни назорат қилиш; мурожаатлар ва оқлаш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш юзасидан учта доимий комиссия ташкил этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Комиссиялар партия Марказий Комитетининг доимий комиссиялари билан, Марказий Комитет бўлимлари билан ўзаро қалин алоқада ишлашлари керак бўлади. СССР Олий Кенгашининг комиссиялари ҳамда комитетларида ишлаётган коммунистлар билан амалий муносабатлар ўрнатиш ҳам керак.

Марказий назорат комиссияси қоидага мувофиқ ўзи учун зарур бўлган ходимларни ишга олиш ҳуқуқига эгадир. Унинг тузилмаси ва ходимлари сонини тасдиқлаш тўғрисидаги таклиф муҳокамангизга қўйилмоқда. 39 нафар масъул ходим бўлиши назарда тутилмоқда. Бу партиянинг илгари мавжуд бўлган икки назорат идораси — КПСС Марказий тафтиш комиссияси билан КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги партия назорати комитетида ишлаган ходимларга нисбатан икки баравардан кўпроқ камдир.

Пленумда Марказий назорат комиссияси ишини режалаштиришнинг асосий қоидаларини келишиб олишимиз керак. Назаримизда, энг муҳими, майда-чуйдаларга аралашмаслик, қамраб бўлмайдиган нарсаларни қамрашга уринмаслик, балки йирик, принципиал масалаларда фикрни бир ерга жамлаш, яъни «оғриқ» нуқталарга эътиборни қаратиш зарур. Албатта, ишни ярим йўлда ташлаб кетмаслик, очилган камчиликларни бартараф этишга эришиш ҳам даркор.

Ҳозирги шароитда назорат агар у билимдонлик билан амалга оширилса, фан хулосалари ҳамда тавсияларига таянгагина самарали бўлиши мумкин. Сиёсатчилар ва иқтисодчиларнинг, социологлар ва психологларнинг энг янги тадқиқотларини қабул қилиш бу шунчаки одат эмас, балки долзарб ҳаётий эҳтиёждир. Партия назорат идоралари ишининг услуби ва усулларидаги барча янгиликларни доимо аниқлаш, уларни таҳлил этиш ва зудлик билан ёйиш зарур. Бу ўринда, албатта, партия матбуотининг ёрдамисиз ҳеч нарса қилиб бўлмайди, партия матбуоти билан алоқалар муттасил тарзда чуқурлашиши ва такомиллашиши лозим. Партиянинг янги назорат идорасидаги асосий ишни съезддан ўзига бевосита ваколат олган ва энг аввало умумпартиявий манфаатларни ҳимоя қилиши лозим бўлган Марказий назорат комиссиясининг аъзоси бажариши даркор. Сиз ҳаммангиз ҳаётни яхши биласиз, партия марказий идоралари коммунистларнинг, меҳнаткашларнинг манфаатларини қандай ҳисобга олаётганини, у қабул қилаётган қарорлар қандай натижалар бераётганини аниқ баҳолашга қурбингиз етади.

Биринчи пленумимизда марказий назорат комиссиясининг аъзоси, топшириқларни оддий ижро этувчи киши бўлмаслиги тўғрисида гапирилганди. Партиямизга азоб бераётган барча хасталикларни даволашда сизнинг шахсий манфаатингизсиз, доимий ташаббусингизсиз олий назорат идорасининг иши самарали бўлмайди. Ифодали қилиб айтганда, биз аввалги назорат системасининг ташкилий тузилишини бутунлай тескарисига ўгиришимиз керак. Бўлмаса, биз ҳеч нарсага эриша олмаймиз. Бўлмаса съезд делегатлари, коммунистларнинг янги назорат идорасига нисбатан умидлари оқланмайди.

Сўзимнинг охирида қуйидагиларни айтмоқчи эдим: Янги назорат идораларини ташкил этиш — партия фаолиятини қайта қуришда ташланган янги қадам, «қуйидан» бўладиган назорат томонга бурилиш демакдир. Демократлашган қоидаларни ҳимоя қилиб, қарор топтираётган партия назоратнинг ўзи ҳам янада демократик тусга кирмоқда, ошкора, оммавий идорага айланмоқда. Назорат органлари ўз фаолиятида ташаббусга, коммунистлар, партия ташкилотларининг қатъий таянишлари лозим. Партиямизнинг соғлиғи, унинг тозалиги, бирлиги ва жипслигини фақат биргаликдаги куч-ғайратлар билангина таъминлаш мумкин. Фақат шу йўл билангина партия ўзининг сиёсий раҳнамолигини амалда сақлаб қолишига ва мустаҳкамлашига эришиш мумкин.

(ТАСС).



Афросиёб музейи экспонатлари кўҳна Самарқанднинг ҳар доим мўътабар ёшидан дарак бериб турибди. Музей залларини томоша қилган киши шубҳасиз унинг ғоятда қадимий эканлигини пайқаб олиши турган гап.

СУРАТДА: (чапдан) музей ходимлари Муслима Жўраева, Майсара Нажмиддинова, Дилноза Искандаровалар экспонатларни тартибга солиш ва кўпайтириш борасида ўзаро мулоқот қилаётирлар.

Ғ. АЛИЕВ олган сурат.

БОҒЛАР БОЛИ

Репортаж

Бу боғлар Олтинсой боғлари! Жауз, ҳусайни, тойифи, қоракўз, кишмиш каби номлар билан машҳур бўлган ширин-шарбат узумзор боғлар бу! Қушлар навоси авжига чиққан. Боғлар кўркини, қўли гул боғбонни мадҳ қилишяпти жониворлар. Эндигина ётоғидан бош кўтарган бобо қуёшнинг нури кенг, серфайз далалар устига зарра-зарра олтин каби ёғилмоқда. Нақадар жозибали манзара.

Узум ортилган автомашиналар, пўлат арава тиркалган тракторлар бирин-кетин дала йўлларидан ўтиб боряпти. Шаҳарлик биродарлар дастурхонига тўкинлик, файз, қут-барака олиб боряпти улар. Олтинсой боғбонлари 27 сентябрь куни ғалаба хушхабарини йўллашган эди. Ўша кунгача давлатга режадаги 42 минг тонна ўрнига 43 минг тонна узум топширилди. Шундан 26 минг тоннаси олис юртларга юборилди. Дўстдан дўстга наф, деб шуни айтадилар-да!

Олтинсой районида 5062 гектар ҳосилдор узумзор бор. Танти боғбонлар ялпи ҳосилни 65 минг тоннага етказиш учун бир ғайратга ўн ғайрат қўшиб меҳнат қилишаётир. Яқин келажакда район ҳар йили 100 минг тонна узум ва мева етиштирадиган бўлади.

Рўпарадаги мана бу узумзор боғлар «Ширинқамиш» давлат хўжалигига қарайди. Симбағазларга тортилган токлардан узум узаётган лобар қизлар ва йигитларга бош-қош бўлиб турган отахон бригадирни Олтинсойда ҳамма танийди. Уруш ва меҳнат ветерани Норқобил Хўжамбердиев ўттиз йилдирки, узумчилик бригадасига бошчилик қилиб келади. Бу давр мобайнида у неча юз гектарлаб токзорлар бунёд этди. Ўзининг бой тажрибасини шогирдларига ўргатди. Серёғин келган бу йилги баҳор кунларида устоз боғбоннинг тажрибаси, айниқса, қўл келди.

— Ҳорманглар! — кенг ишком оралаб бораётган райкомнинг биринчи котиби Тошпўлат Абдураҳмоновни Норқобил ота бошлиқ соҳибкорлар илиқ кутиб олишди.

Биринчи котиб улар билан кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашиб бўлгач, Норқобил отага юзланди:

— Ҳосилдорликни қанчага етказмоқчисиз?

— Ўзингизга маълум, ўтган йили гектаридан 304 центнердан узум узиб олгандик, бу йил ундан кам бўлмайди.

Котиб ўнг тарафдаги узумзорга ўтди. Бригада бошлиғи Дуғоба қишлоқ Советининг депутати Ҳуррам Азимов узум узаётган ишчиларга бош-қош бўлиб турган экан.

— Бу қизимиз Қурбоной Мўминова бўлади, — таништира бошлади бригада етакчиси. — Оиласи билан ҳар куни 1500 килограммгача узум узиб беряпти.

Бригада бошлиғи Гулсум Чориева, Баҳодир Жумаев каби илғор меҳнатчиларнинг номларини фахр билан айтиб ўтди.

— Планни 200 фоиз қилиб бажармоқчимиз, — деб қўйди Ҳуррам Азимов.

...«Ширинқамиш»ликлар 500 тонна узумдан майиз тайёрлашни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар. Мана, катта қозонда махсус дори аралаштирилган сув вақирлаб қайнаб турибди. Металл саватчаларга саралаб жойланган узум қозонга ботириб олингач, жойларга ёйилаётир. Қуритилган майизлар эса қоғоз қопларга солинмоқда. Нуриддин Мусаев, Ўрол Эшонқулов, Менгли Тошев, Абдуғани Хўжамбердиев, Неъмат Эшонқулов каби уста майизчиларнинг қўли-қўлига тегмайди.

— Районимиз хўжаликлари бу йил 6 минг тонна узумдан майиз тайёрлайди, — дейди Тошпўлат Абдураҳмонов.

Район хўжаликларидан йўлга чиққан автомашиналар ва пўлат аравалар тиркалган тракторлар сони тобора кўпайиб бормоқда. Олтинсой районидаги ҳамма хўжаликлар узум узиш ва давлатга топширишни жадаллаштиришяпти. Ҳа, дам ғанимат. Етиштирилган ҳосилнинг бирор ғужуми ҳам боғбонлар назаридан четда қолмайди.

У. ЮСУПОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.
Сурхондарё области.

МУҲАРРИРИЯТДАН: газета саҳифаланаётган пайтда Олтинсой район партия комитетидан телефон орқали хабар қилишди. Район боғбонларининг шу кунгача давлатга топширган узумлари 50 минг тоннадан ошибди.

ХУШХАБАРЛАР

● **ТОШКЕНТДАГИ «Ўзгариш» даҳасида темирйўлчи қурувчилар дастлабки уйни қуриб битказдилар.**

Яқиндагина бу ерда темир йўлнинг ёрдамчи хўжалиги жойлашган эди, энди эса темирйўлчилар даҳаси жадал бунёд этилмоқда. Бу ерда замонавий квартиралари бўлган қарийб 40 та кўп қаватли уй қуриш мўлжалланмоқда.

● **ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИНИНГ Фориш районида жойлашган 111-автотранспорт корхонаси ходимлари кооператорларнинг қўлидан кўп иш келишига ишонч ҳосил қилдилар.**

Қисқа муддат ичида «Универсал» кооперативи корхона ҳудудида спорт тренажерлари зали ва дам олиш хонаси бўлган саунани юқори сифатли қилиб бунёд этди. Автотранспортчилар кооператорларнинг маҳоратигаа ишонч ҳосил қилгач, «Универсал» билан ошхона ва ремонт биносини қуриш учун шартнома туздилар. Кооператорлар барча ишларни давлат нархларида бажаришмоқда.

● **АНГРЕНДАГИ «Ўзбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳузурида «Реверс» кооперативи жамоаси фаолият кўрсатмоқда.**

У одатдан ташқари буюртма — гелий ва иссиқ ҳаво билан тўлдирилган дрижабль макетини тайёрлашга киришди. Бу буюртмани Москва авиация илмгоҳининг «Термоплан» конструкторлик бюроси мутахассислари беришди. Бу бирлашмада бажарилган москваликларнинг шунга ўхшаш биринчи буюртмаси эмас. Саксонинчи йилларнинг ўртасида бу ерда катта дирижабль макети тайёрланган эди.

(ЎзТАГ).

● *«Обуна-91»* ●

Сиёсий кўзгу

Нашр этила бошлаганига бу йил 70 йил тўладиган **«Ўзбекистон коммунисти»** журналининг мазмуни ва йўналиши бир қадар ўзгаради. У назарий ва ижтимоий-сиёсий журнал бўлади. 1991 йилда республикамиз ҳаётининг барча томонларини янгилашнинг назарий ва амалий муаммоларига, Ўзбекистоннинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашга, бозор иқтисодиётига ўтишга, жамиятни демократиялаш ва унинг сиёсий системасини ислоҳ қилишга, социалистик ҳуқуқий давлат барпо этишга, Коммунистик партиянинг омма билан алоқаси янги сифатининг шаклланиши, хўжалик юритишнинг янги усулларини жорий этиш ҳамда уларнинг самарадорлигини ошириш, жамиятни маънавий поклаш масалаларига ҳамда бошқа кўпгина ҳаётий муҳим мавзуларга биринчи даражали эътибор бериш ниятидадир.

Унинг саҳифалари етакчи сиёсий арбоблар, иқтисодчилар, социологлар, юристлар, тарихчилар, публицистлар, фан ва маданият, адабиёт ва санъат арбоблари, халқ хўжалиги ходимларига, революцион қайта қуриш ва янгиланишнинг ижтимоий аҳамиятига молик, долзарб муаммоларни кўтариб чиқувчи ҳамда амалиётда ҳал этувчи барча кишиларга очиқдир.

Марксча-ленинча таълимот методологиясининг бутун бойлигини, унинг дунёқараши ва қадрият йўл-йўриқларини очиб бериш — «Ўзбекистон коммунисти»нинг энг асосий вазифаси ва доимий ғамхўрлик соҳасидир. Бу йил жорий этилган «Назария ва методолгия масалалари» рукуни журнал саҳифаларидан доимий ўрин олади. Журналхонларимиз илтимосига кўра очилган «Сиёсий суҳбатлар» рукуни остида ҳам янги йилда материаллар мунтазам бериб борилади.

Партия ички турмуши проблематикаси, ўзининг асосий функцияларини — назарий, мавкуравий, сиёсий ва ташкилотчилик функцияларини амалга оширувчи сиёсий ташкилот сифатида партиянинг фаолияти журналда асосий ўринлардан бирини эгаллайди.

Журналда миллатлараро муносабатлар муаммолари янгиланиш мафкураси нуқтаи назаридан туриб ёритилади. Бу ишда редакция КПСС Марказий Комитетининг «Партиянинг ҳозирги шароитдаги миллий сиёсати» дастурига таянади.

Журналда фан, таълим ва маданиятда жамланган Ўзбекистоннинг барча маънавий имкониятларини фаоллаштиришга, ҳозирги социалистик шахснинг маънавий қиёфасини такомиллаштириш масалаларига бағишланган материаллар каттагина ўринни ишғол этади. Олимлар, ёзувчилар, журналистлар, кинематографчилар ҳамда ижодий зиёлиларнинг бошқа вакиллари маънавий соҳада юз бераётган жараёнлар ҳақида ҳикоя қиладилар.

Муҳаррият «Инсон ва табиат», «Тарих саҳифалари», «Тўқсонинчи йиллар олами» бўлимлари учун мақола ва материалларни тайёрлашга доир ишни кучайтиришни режалаштирган. Биз журнал саҳифаларида мунозаралар, давра суҳбатлари ўтказишни давом эттирамиз. Долзарб мавзулардаги мақола, хат, корреспонденция ва очерклар, акс садо материаллари ва таклифлар термалари, саволларга жавоблар, янги китобларга тақризлар, даврий нашрларнинг обзорлари, библиографик маълумотлар, муҳарриятнинг ўз ички ҳаёти ҳақида ахборот — буларнинг ҳаммаси журналхонларга тақдим этилади.

Сиз «Ўзбекистон коммунисти» журналига обуна бўлиб, яхши кўмакчига, маслаҳатчи ва дўстга эга бўласиз. Журнал ўз ахбороти ва нуқтаи назари, ўз далил-исботлари ва шарҳлари билан журналхонларга жамиятимизни янгилаш учун курашда ўз ҳатти-ҳаракати йўлини ишлаб чиқишда ёрдам беради.

«ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ» ЖУРНАЛИНИНГ ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ.

Содиқ Расулевич РАСУЛЕВ



Ўзбекистоннинг кўпминг кишилик сув хўжалиги жамоаси оғир жудоликка учради. Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган ирригатор, республика аҳамиятига молик шахсий нафақахўр Содиқ Расулевич Расулев узоқ давом этган оғир хасталикдан сўнг вафот этди.

С. Р. Расулев 1912 йили Пржевальскда туғилди. У меҳнат фаолиятини Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институтини тамомлагач, 1939 йилда Катта Фарғона канали халқ қурилишида праробликдан бошлади. У шундан бошлаб ўз ҳаётининг қарийб ярим асрини жумҳуриятда ирригация ва мелиорацияни такомиллаштиришга бағишлади. Катта Фарғона канали, Шимолий Фарғона канали, Резаксой дюкери, Фарҳод ГЭСи каби йирик суғориш шаҳобчалари ва сув хўжалиги иншоотларини қурилишда фаол иштирок этди. Бу объектлар жумҳуриятимиз иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этди. Содиқ Расулевич Марказий Фарғона ерларини ва Мирзачўлни ўзлаштириш ишига салмоқли ҳисса қўшди.

С. Р. Расулев бир қанча вақт қурилишда участка бошлиғи бўлди. Наманган ноҳия сув хўжалигига раҳбарлик қилди. Ўзбекистон Компартияси Наманган вилоят комитети қишлоқ хўжалиги бўлими мудири ўринбосари, Ўзбекистон Компартияси Наманган шаҳар комитети биринчи котиби бўлиб ишлади. Кейинчалик Наманган вилоят сув хўжалиги бошқармасига бош бўлди. Ўзбекистон Компартияси Задарё ноҳия комитети биринчи котиби, Сирдарё вилоят ижроия комитети раисининг муовини, Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги вазири ўринбосари лавозимларида хизмат қилди. У қайси лавозимда ишламасин, ўзининг бутун куч-ғайратини ишга сарфлади. Ёшларнинг ғамхўр мураббийси бўлиб, ёш мелиоратор, механизатор ва ишчи кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш масалаларига алоҳида эътибор берди.

Жумҳурият ижтимоий ҳаётида фаол қатнашди. У Ўзбекистон Компартияси XII, XIII, XV ва XVII съездлари делегатлигига сайланган эди.

Партия ва ҳукумат Содиқ Расулевич Расулевнинг Ватан ва халқ олдидаги хизматларини муносиб тақдирладилар. У Халқлар дўстлиги ва Меҳнат Қизил Байроқ орденлари, уч марта «Ҳурмат белгиси» ордени, қатор медаллар ва Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган эди.

Содиқ Расулевич Расулевнинг порлоқ хотираси уни билган ва у билан бирга ишлашган барча кишилар қалбида абадий сақланиб қолади.

БИР ГУРУҲ ЎРТОҚЛАРИ.

СПОРТ

КУРАШ:
СПАРТАКИАДА ҒОЛИБЛАРИ

Ўзбекистон XXI спартакиадаси программаси бўйича ўтказилаётган мусобақалар спортчиларимиз учун ўзига хос синовга айланмоқда. Жумладан, Балиқчи ноҳияси марказида фарғонача кураш бўйича ўтказилган беллашувлар ҳам кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Мусобақада турли вилоятлардан тўпланган 60 дан зиёд полвон ўзаро курашди. Беллашувга пухта ҳозирлик кўрган Тошкент шаҳар командаси полвонлари спартакиада чемпиони бўлдилар. Андижон ва Тошкент вилоятларининг командалари иккинчи ҳамда учинчи ўринларни олишди.

ФУТБОЛ:
СЎНГГИ УЧРАШУВЛАР

Олий лига командалари мамлакат чемпионатини якунлашмоқда. Бугун навбатдаги учрашувлар ўтказилади. Кейин командалар яна бир мартадан майдонга тушадилар. Бу йилги чемпион эса муддатидан аввал маълум бўлгани мухлисларга аён. Ҳозир киевлик динамочилар 34 очко билан чемпионларга хос ўйин кўрсатишмоқда. Чемпионатнинг кумуш ва бронза медалларига даъвогарлар эса совриндор бўлишга зўр бермоқдалар. Спартакчилар билан Москва динамочиларида 29 тадан очко бор. Пойтахт армиячилари 27 очко тўплашган. «Торпедо» — «Динамо» (М) учрашувида эса темирйўлчилар 3:1 ҳисобида ғалаба қозониб, очколарини 28 тага етказишди. Бугун эса Киев динамочилари минсклик ҳамклубларининг меҳмони бўлишса, спартакчилар «Помир» майдонида ўйнайдилар. Армиячилар «Металлист» футболчиларини қабул қилишади.

Муҳаррир
Р. РАҲМОНОВ.

• Турмуш чорраҳаларида •

ҚАЙТАР ДУНЁ

Шаҳар бозори олдидаги бекатда автобус кутиб ўтирардим. Автобусларнинг бири келиб, бири кетиб турибди. Ёнимдаги бўш жойга қўлидаги оқ қийиқдаги тугунчаси билан бир мўйсафид келиб ўтирди. У секингина сўради:

— Анови автобус ҳаммомга борадими, ўғлим?

— Қаерга, отахон?

— Ҳаммом бор-ку, кир ювиб берадиган жойи ҳам бор.

Отахон шаҳарликка ўхшамасди. Ҳақиқатан ҳам 1-мавзеда ҳаммом, унинг қошида кирхонаси ҳам бор.

Беихтиёр ўйга толдим. Қишлоқдан келган кекса кир ювадиган жойга қандай ҳожат билан бормоқда экан?

Индамай ўтираверишни одобсизлик санаб, сўрадим:

— Отахон, қаердан бўласиз?

— «Боёвут» совхозидан...

— Отахон, кирингизни ювиб берадиган одам йўқмиди? — беихтиёр сўраб юборибман. Бу савол оғзимдан чиқишга чиқди-ю, лекин шу ондаёқ ўйладим. Дилини оғритиб қўйимадиммикан... Йўқ, қария хафа бўлмади, кулиб ҳам бермади:

— Ҳеч кимим йўқ, болам. Кампирни бериб қўйганимга ҳам ўн бир ой бўлди...

— Ўғил-қизлар-чи?..

— Икки ўғлим бор эди. Армиядан келгач, каттасини уйладик. Касал бўлиб, иккиси ҳам оламдан ўтди. Ўғлим ўлгач, келин уйдан кетиб қолди. Сўнг кампир кўз юмди...

Отахон бироз сукут сақлаб турди-да, кейин яна давом этди.

— Бир қизим бор. Жиззах томонга тушган. Бола-чақали. Ҳар замонда бир келади. Имкони йўқ-да, нима қилсин. Ўзининг оиласи, ташвишларидан ортмайди. Узоқлиги бор. Қиз бола бировнинг хасми, деб бекорга айтмаганлар...

Иккимиз ҳам жим бўлиб қолдик. Автобусга қараймиз, аммо бизга кераги келмайди.

Суҳбатдошимга жиддий эътибор қилдим: қорачадан келган, кўзлари тийрак, эгнида қишлоқ чолларига хос кийимбош, сўзлари мазмунли, ҳаракатлари тетик. Шундай қариялар бўладики, ёши анча улуғ бўлса ҳам худди тенгқурларингиздек сиз билан диллашиб ўтиради. Зериктирмайди. Бу нотаниш қария ҳам шу томони билан ажралиб турарди. Мен яна бу одамнинг ёши нечада экан, деб ўйлай бошладим. Чамаси олтмиш билан етмишнинг ўртасида бўлса керак. Ҳар қалай, яхши одам экан, сўрай қолай:

— Отахон, кечирасиз, нечага бордингиз?

— Саксон бирга.

Қишлоқ қарияларининг ажойиб томонлари бўлади-да... Ғайрати, суҳбати, ҳаракатини кўриб, саксондан ошгани хаёлингизга ҳам келмайди.

Суҳбатимиз чўзилиб, яқинроқ танишганимиз сари бу инсонга ҳурматим ошди. Бир томондан ич-ичимдан ачиндим ҳам. Эҳ, ҳаётнинг ёшлик, навқиронлик йиллари... Бунчалар шошқин, югурик бўлмаса-я! Насиб этса, бир кун мана шу ёшларга етасан, насиб этмаса — йўқ, дейман ўзимга-ўзим. Лекин ҳеч бандайи мўминни ёнидаги бир умрлик муштипар йўлдошидан айрилгулик қилмасин.

Отахоннинг шу дамдаги ҳолати машҳур ҳофиз Маъмиржон Узоқов ноласини ёдимга солди:

Дўстлар, ҳеч ким менингдек
ёридин айрилмасун,
Охуйи мушки хўтан
дилдоридин айрилмасун.

Автобуснинг бири қўйиб бири келади. Лекин биз кутганимиздан эса ҳамон дарак йўқ. Зерикканимиздан у ёқбу ёқдан гаплашамиз. Кейин отахоннинг ҳаёти, таржимаи ҳоли билан қизиқаман. Маълум бўлишича, у улуғ Ватан урушида қатнашган, Днепрни биринчилардан бўлиб кесиб ўтган экан. Неча марта ярадор бўлгани, умуман Россия, Европа тупроғида ўн бир йилдан ортиқ юргани, олган жанговар орден ва медаллари ҳақида гапирди. Қисқа-қисқа, мавридини топиб айтади. Ҳайрон қоласиз. Кейинги ишлари, одамлар... Ҳозирги давр ҳақидаги мулоҳазалари...

Англадимки, олдимда катта ҳаёт йўлини босиб ўтган, ўзлигини йўқотмаган, жасур ва мардона инсон турарди.

Отахоннинг кутган автобуси келиб, жўнаб кетгач ҳам ўриндиққа узоқ михланиб қолдим: умр оқар сув, деб шунга айтадиларда. Бир одамнинг саксон йиллик умри ўтди-кетди. Худди анови, бекатга қўниб ўтган автобуслардай ўн бир йиллик уруш, фронт орти кураш йиллари, унга неча йиллар йўлдош бўлиб, фарзандлар ато этиб, оқ ювиб, оқ кийгизиб, охири фарзанд доғига чидай олмаган умр йўлдоши ҳам... бари-бариси ўтиб кетди... Инсон ҳаёти қизиқ, турган битгани жумбоқ ва яна жумбоқ...

Уддабурро, чайир, мард одам экан. Шу ёшга кириб бировга оғирлигим тушмасин, дейди. Шахсий фожиасини умумхалқ фожиасига айлантирмасликка тиришади.

Ягона фарзанди Жиззах чўлида, турмуш ташвиши билан ўз ҳаёт йўлидан бормоқда. Катта ҳовлисида бир ўзи қолган. Ҳамма нарсаси бор, аммо... Уни ташвишлардан ҳоли қила оладиган... нима десам экан, меҳрибон қўл, меҳрибон қалб йўқ. Мен унинг Жиззахдаги ўша ёлғиз фарзанди отаси қалбига малҳам бўлишини жуда-жуда истардим. Катта рўзғори, жонидан ширин болаларидан ортиб отаизорига пешвоз чиқиб туришини истардим. Ахир, у қиз ҳам бир вақтлар шу отанинг жонидан азиз фарзанди бўлган. Агар у бугун отасининг якка-ю ягона тиргаги, суянчиғи бўлолса, қайтар дунё деганларидай, унга ҳам кексайганида болаларидан албатта, қайтади...

Ўша учрашувдан бери ўйлаб ўйимга етолмайман: бундай отахонлар қанчадан-қанча! Уларнинг қариганда шу куйда юришларига кимлар, нималар сабабчи? Саксон ёшли отанинг яктагини ювдириш учун эллик чақирим жойга келиб, сарсон бўлиб, сарғайиб юргани учун яна кимлардан ўпкаласа бўлади: қўшниларида нми, қариндош-уруғларидан-ми, қишлоқ ёшларидан ёки жамоасиданми, яна кимлардан?! Бундай саволларнинг чеки йўқдай эди...

Отахон, ишқилиб соғ бўлинг, ётиб қолманг, одамларга ташвишларни енгиб яшашни ўргатиб яшайверинг, деб қоламан унинг орқасидан..:

А. УМАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Реклама ва эълонлар

ҒОЯЛАР ЯРМАРКАСИ

Сабзавот бозори йил давомида узлуксиз ишлаб, ўзининг мўл-кўллиги билан бизни ҳайратда қолдириши учун далалардаги бор ҳосилни йиғиб-териб олишгина кифоя қилмайди, балки уни сақлай билиш, қайта ишлаш ва пештахтагача етказиб олиб чиқиш лозим.

ҚАНДАЙ ҚИЛИБ БУНДАЙ МУРАККАБ ИШНИНГ УДДАСИДАН ЧИҚИШ ТЎҒРИСИДАГИ ЙЎЛ-ЙЎРИҚЛАРНИ СИЗ ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ ПЛАН КОМИТЕТИНИНГ ИЛМИЙ-ТЕХНИКА АХБОРОТ ВА ТЕХНИКАВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ (УзНИИНТИ), БУТУНИТТИФОҚ ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ЖАМИЯТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТ ИДОРАСИ ВА СССР ИЛМИЙ ВА МУҲАНДИСЛИК ЖАМИЯТЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ИДОРАСИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ВА

17—19 ОКТЯБРЬ КУНЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ КЎРГАЗМАСИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН «САБЗАВОТ ВА МЕВА МАҲСУЛОТЛАРИНИ ТАШИШ, ИШЛОВ БЕРИШ ВА САҚЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ» МАВЗУИДАГИ

ФАН-ТЕХНИКА ЮТУҚЛАРИ ВА ҒОЯЛАРИ

КЎРГАЗМАСИДА ОЛИШИНГИЗ МУМКИН

Ярмарка қатнашчиларига Москва, Кишинёв, Харьков, Одесса, Симферополь, Тбилиси ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларидаги қайта ишлаш корхоналари, илмий-тадқиқот ва лойиҳа ташкилотларининг сабзавотларни ва меваларни йиғиб-териш, саралаш, транспортда ташиш тўғрисидаги, қайта ишлаш ва сақлаш ускуналари, таралар ва қадоқлаш, навлар кўламини кенгайтириш ва маҳсулотларнинг янги турлари ва ҳоказолар тўғрисидаги ишланмалари ҳавола этилади.

Айни пайтда, Ўзбекистон корхоналари ва мева-сабзавот хўжаликлари ўзларининг самарали илмий-техника ишланмалари ва ихтирочилик таклифларини савдога тақдим этишлари мумкин, ярмарканинг тижорат маркази эса ютуқларни харид қилиш ва жорий этиш юзасидан шартнома тузишда кўмаклашади, зарур ахборот материаллари ва техникавий ҳужжатлар билан таъминлайди.

Ярмарка унда қатнашувчиларнинг маблағлари эвазига ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш тартибига мувофиқ ташкил этилади. Унинг ишида иштирок этишни истовчилар УзНИИНТИнинг Тошкент шаҳар ижтимоий-турар жой банкининг Октябрь бўлимидаги 000609038 ҳисобига 50 сўм пул ўтказишлари зарур. Банкнинг коди 734138.

Мурожаат қилиш учун манзил: 700003, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 171-уй.

Телефонлар: 39-12-51, 39-48-71, илмий-техника тарғиботи бўлими.

ҲАММА ИШБИЛАРМОН, ТАШАББУСКОР КИШИЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ИПАК ЙЎЛИ» ЎЗБЕК ИННОВАЦИЯ — ТИЖОРАТ БАНКИ ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАДИ

«Ипак йўли» банки — ўз мулоқотчиларига уларнинг ғоя ва фикрларини, иқтисодий жиҳатдан самарали режаларини, қарорларини қулай, фойдали шароитларда амалга оширишда яқиндан ҳамкорлик қилувчи янги кўринишдаги кредит-тижорат корхонаси ҳисобланади.

БАНК ҚУЙИДАГИ ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТАДИ:

— янги ғоя ва фикрларни, лойиҳаларни, илм-фан, техника, технология, маркетинг соҳасидаги самарали қарор ва режаларни, прогрессив иқтисодий модулларни маблағ билан таъминлаш;

— бирлашмалар, ташкилотлар, корхоналар, ёшлар марказлари, колхоз ва совхозлар, кооперативлар, қишлоқ ижара пудрати хўжаликлари, якка пудратчиларни ҳамда бошқа манфаатдор юридик шахсларнинг касса ҳисоб-китобларини юритиш;

— хўжаликларнинг ўзларида икки ёки кўптомонлик асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сифатли қайта ишловчи Ватанимизда ёки хорижда ишлаб чиқарилган илғор жиҳозларни, асбоб-ускуналарни жалб этиш, ўрнатиш, ишга тушириш ҳамда сервис хизматини жорий этиш;

— лизинг хизматини кўрсатиш (замонавий, кенг тармоқлик ишлаб чиқариш жиҳозларини, асбоб-ускуналарини излаб топиб, шартнома асосида ижарага бериш);

— холдинг хизматини ташкил этиш (вақтинчалик мушкулотдаги корхоналар, хўжаликларга ҳар тарафлама молиявий, иқтисодий, токи бутунлай сотиб олишгача ёрдам кўрсатиш);

— корхоналар, бирлашмалар, давлат, жамоат, кооператив ташкилотлари ҳамда бошқа юридик шахсларнинг бўш молия ресурсларини шартномалар асосида, қулай тарзда, юқори устама фойда кўринишида ёки шерикчилик ҳисобида жалб этиш;

— халқимизнинг қадимий урф-одатларини, ҳунармандчилигини тикловчи, давом эттирувчи, ривожлантирувчи корхоналарни, якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчиларни молиявий ҳамда иқтисодий жиҳатдан ҳар тарафлама имтиёзли равишда қувватлаш;

— фуқароларнинг шахсий жамғармаларини фойдали тарзда шартномалар бўйича қабул қилиш ва сақлаш:

Банк ўз соф фойдасининг маълум қисмини хайрли ишларга ажратади (илм-фан, техника соҳасида истеъдодли ёшларни тайёрлаш программаларини, туристик марказлардан узоқроқ жойлардаги ёдгорлик, архитектура обидаларини тиклаш, таъмирлаш ишларини маблағ билан таъминлаш ҳамда қарияларга, етим-есирларга, кам харжли кўп болалик оилаларга ёрдам кўрсатиш ва ҳоказолар).

«ИПАҚ ЙЎЛИ» БАНКИ

СИЗЛАРНИ ИШЧАН ҲАМДА ЎЗАРО ФОЙДАЛИ ҲАМКОРЛИККА ЧАҚИРАДИ!

Банк манзилгоҳи: 700000, Тошкент шаҳри, «Ҳ. Олимжон» кўчаси, 5-уй. «Ҳ. Олимжон» метро бекати.

Телефон: 32-71-81.
Телекс: 116108 РТВ.
Телефакс 459382.

«Ёзувчи» нашриёти жамоаси нашриёт директори Ш. З. Усмоновхўжаевга укаси

Ҳусанбек УСМОНХЎЖАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССЖ нефть маҳсулотлари таъминоти Давлат қўмитаси маъмурияти жамоаси ҳайъат аъзоси, нефть маҳсулотлари мутаносиблиги ва улгуржи савдо бўлимининг бошлиғи Р. И. Раҳимовга онаси

Мазифа МАҚСУДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»
(«Советский Узбекистан»)
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС:
700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

№ 234. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12